

ЎЗБЕКИСТОН РУСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳукукида

Рахматов Алишер Аъламович

“Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ривожлантириш истиқболари (Самарқанд вилояти мисолида)”

5A230102 «иқтисодиёт» (Тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.
«Иқтисодиёт» кафедраси
мудир, в.б., и.ф.н. Ш.А. Султонов

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доцент Ш.А. Султонов

_____ «__» _____ 2014 й.

САМАРҚАНД – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-7
I боб. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишнинг назарий масалалари	8
1.1.Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигининг назарий асослари.....	8-19
1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишда ва самарадорлигини оширишда чет эл тажрибалари.....	19-39
1.3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш босқичлари.....	40-52
II Боб. Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий ҳолати ва таҳлили.....	53
2.1. Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси умумий ҳолати	53-59
2.2. Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий ҳолати ва таҳлили.....	60-67
2.3. Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишда бозор инфратузилмасини ўрни....	67-73
III Боб. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш истиқболлари ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....	74
3.1. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг объектив зурурлиги.....	74-82
3.2. Аҳоли турмиш даражасини юксалтиришда мустақиллик йилларда амалга оширилган асосий ислоҳатлар натижалари ҳамда истиқболлари.....	83-92
3.3. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишда хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....	93-101
Хулоса.....	102-104
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	105-107

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётда эришган ютуқларнинг асоси – бозор иқтисодиёти, мулк шакллариининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши билан баҳоланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “...мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш” долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар иқтисодиётнинг барча соҳаларини, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга замин яратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мамлакатимиз ички имкониятларидан келиб чиқиб, ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш долзарблигича қолмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш йўллариини тадқиқ этишда ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим масалалардан биридир. Хусусан, мулкчиликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб эътироф этилаётган хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини оширишнинг истиқболини белгилаш, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва шу соҳада илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ўта муҳимдир. Чунки

бозор муносабатларини такомиллаштиришда, иқтисодиётни янада эркинлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унинг натижасида мамлакат бюджети барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишга эришилмоқда. Мазкур соҳани ривожлантириш учун маълум шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзларнинг белгиланиши, банк кредитларидан самарали фойдаланиш натижасида қисқа давр ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони тобора ошиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, 2013 йилда 55,8 фоизга етди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич мустақилликнинг дастлабки йилларида 1,5 фоизни, 2000 йилда эса 31,0 фоизни ташкил этган эди. Лекин, бу борада айрим муаммолар мавжуд. Бунинг асосий сабаби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг бугунги кун талабига мос иқтисодий механизмнинг яратилмаганлиги, улар фаолиятида иқтисодий воситалардан фойдаланиш, хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан иқтисодий алоқалари ва давлат ҳокимият органлари билан муносабатларининг такомиллашмаганлигидир. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар, хусусан уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларининг ҳамон ўз ечимини топмаганлиги ҳам ушбу мавзунини танлашга ва ўта долзарблигидан дарак беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини баҳолаш мезонларига бағишланган қатор илмий ишлари мавжуд. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг назарий асослари ва ижтимоий аҳамияти

А.Смит, Ж.Б.Сей, Дж.М.Кейнс, Й.Шумпетер, А.В.Чаянов¹, К.А.Раицкий², И.А.Журавлева³, А.П.Киселев⁴ каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Улар КБХТ назариясини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшганлар. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ушбу мавзу бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди. Хусусан С.С.Ғуломов⁵, Ғ.Ҳ.Қудратов⁶, Ё.Абдуллаев⁷, М.С.Қосимова⁸, Б.Ходиев⁹, А.Абдуллаев¹⁰, Д.Суюнов¹¹, М.Қ.Пардаев¹², С.К.Салаев¹³, Б.А.Абдукаримов¹⁴, Г.С.Севликянц ва Э.Н.Хаджаевлар¹⁵ кабиларнинг бу борада олиб борган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Тадқиқотнинг мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳолатини ва ривожланиш истикболлари бўйича назарий-услубий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти ва уни янада ривожлантиришнинг назарий асосларини очиб бериш;

¹ Каранг: Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: “Соц.экгиз”, 1962. – 332 с.; Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. –М.: “Прогресс”, 1948. – 240 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: “Мысль”, 1982.-159 с.; А.В.Чаянов. О размере семьи и крестьянского домохозяйства. // Вестник статистики. 1991, №7, - 47 с.

² Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник. - М.: ИВЦ “Маркетинг”. 2003. - 683 с.

³ Журавлева И.А. Основные направления развития малого бизнеса в сфере услуг и их экономическое обоснование, Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Белгород-2005.

⁴ Киселев А.П. Теория и практика современного бизнеса. – “Либра”, 1995. - 246 с.

⁵ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. - 365 б.

⁶ Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: “Фан ва технология”, 2007. -16 б.

⁷ Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол ва 100 жавоб (1-қисм), Т.- “Мехнат”, 2000.- 347 б.

⁸ Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003. - 239 б.

⁹ Ходиев Б., Беркинов Б., Кравченко А. Бизнес қийматини баҳолаш. Т.: “Иқтисод-молия” 2007.- 254 б.

¹⁰ Абдуллаев А., Сотволдиев А., Ўринбоев И, Абдуллаев С. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. – Т.: “Фан ва технология”, 2005. - 243 б., Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – Т.: “Молия” 2003. - 191 б.

¹¹ Суюнов Д.Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т., ТДИУ, 2004. - 23 б.

¹² Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари, (Монография), Т.: “Фан ва технология”, 2007. - 163 б.

¹³ Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ 2008. - 49 б.

¹⁴ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. – Т.: “Фан ва технология”, 2007. - 386 б.

¹⁵ Севликянц Г.С., Ходжаев Э.Н. Предпринимательство в Республике Узбекистан.-Т.: изд. Народного наследия им. А.Кадыри МГП “Ижод”, 1993. - 159 с.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишда ва самарадорлигини оширишда чет эл тажрибалари;
- Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш босқичларини назарий жиҳатдан асослаш;
- Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг умумий ҳолати;
- Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий ҳолати ва таҳлили;
- Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишда бозор инфратузилмасини ўрни;
- хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг объектив зурурлигини аниқлаш;
- аҳоли турмиш даражасини юксалтиришда мустақиллик йилларда амалга оширилган асосий ислохотлар натижалари ҳамда истиқболларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий аҳамияти хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш истиқболлари борасида амалга ошириладиган тадқиқотлар учун назарий асос бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланиш истиқболлари бўйича чора-тадбирларини ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий-тадқиқот натижалари бўйича жами 2 та иш нашр қилинган. Уларнинг иккиласи ҳам республика илмий-амалий анжуманларида тезислар шаклида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I Боб. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишнинг назарий масалалари

1.1. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигининг назарий асослари

Бугунги кунда республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнлари хизмат кўрсатиш соҳасининг янада ривожланишини таъминлашга қаратилган. Ушбу соҳанинг улуши ялпи ички маҳсулотда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, янги иш ўринларини яратиш, мамлакатимиз ички бозорини истеъмол моллари билан тўлдиришда кескин ошиб бормоқда ва келажакда ҳам бу жараённинг давом этишига қаратилган юридик-меъёрий асос яратилган.

Хизматларни ривожлантириш бўйича жорий йилнинг 17 апрелда муҳтарам Президентимизнинг “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қушимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1957-сонли қарори асосида вилоят ҳокимининг 2013 йил 19 апрелда 92-Қ сонли қарори қабул қилинди. Шунингдек, “Самарқанд вилоятида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш Дастури” ишлаб чиқилиб тасдиқланганлиги юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Шунинг натижасида хизматлар соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2012 йилда 52 фоизга, 2013 йилда 53 фоизга етганлиги иқтисодиётда рўй бераётган ижобий тенденцияларнинг далилидир. Аммо бугунги кунда ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотда 60-70 фоизни ташкил қилади. Демак, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа тармоқларга нисбатан тез ривожланиши зарур. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожини халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигининг назарий масалалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятига, уларнинг фаолияти натижасига бориб тақалади. Шу сабабли тадқиқот жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни ва моҳиятини кенг ёритишга ҳаракат қилдик.

Бугунги кун иқтисодий адабиётлар ва юридик-меъёрий ҳужжатларда “Тадбиркорлик”, “Тадбиркор”, “Бизнес”, “Бизнесмен” каби тушунчалар кенг қўлланила бошланди. Уларнинг мазмуни ва моҳиятини англаш маълум маънода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида тасаввурни шакллантиради.

“Тадбиркорлик” тушунчаси энциклопедик луғатда “тадбиркорлик – (ингл. enterprise) шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқороларнинг мустақил фаолияти. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулкий масъулияти ва жавобгарлиги, шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор қонун томонидан таъқиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилик, сотиш – сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб бориш кабилар билан шуғулланиш мумкин” деб таърифланган¹⁶.

Бошқача сўз билан айтганда, тадбиркорлик – иқтисодиётнинг инсон омили, унинг интеллектуал фаолияти орқали фуқоро ёки фуқороларнинг ўз мақсадларига эришиш учун хўжалик юритиш фаолияти ёки фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти натижалари хусусий мулк ва мулкчилик муносабатларининг шаклланиши билан юзага келиб, кейинчалик тараққий этган бўлса-да, унинг том маънодаги моҳияти замонавий бизнеснинг қарор топишида, иқтисодий эркинлик асосида тадбиркорлик олиб борилишида яққол ифодаланади.

¹⁶ Энциклопедический словарь предпринимателя. Составители: Синелькинов С.М. и др. – СПб: “Алга фонд”, “АЯКС”, 1992. –Б. 137-138.

Тадбиркорлик ўз ичига ижтимоий муносабатларни қамраб олган ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Унда ҳуқуқий, руҳий, ташкилий, иқтисодий ва тарихий томонлар мавжуд. Тадбиркорликни ривожлантиришда улуг аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ўлмас асарлар бизга бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Ўрта Осиёда иқтисодий фикрларнинг шаклланиши буюк мутаффакирлар Фаробий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг номи билан узвий боғлиқ. Улар ўз асарларида иқтисодиётни, шу жумладан тадбиркорликнинг жамиятдаги ўрнига жуда катта эътибор беришган. Тадбиркорлик – ишбилармонликнинг энг гуллаган даври Амир Темур (1336 -1405 йиллар) номи билан бевосита боғлиқдир. “Темур тузуклари”да¹⁷ “тижорат аҳилларини” жамиятни бошқариш устунларидан бири деб таърифлаб, ўзи бошқарган катта давлатда тадбиркор ва ишбилармонлар учун барча шарт-шароитлар яратилиб ҳукумат томонидан ҳимоя қилинган. Имтиёзлар берилиб, тадбиркор ва ишбилармонлар тақдирлангани баён қилинган. Амир Темур садоқатли ва ташаббускор ходимларни қадрлаган. Давлатни бошқаришда Амир Темурнинг тадбиркорлиги мана қарийб етти асрдирки дунёга андоза бўлиб келмоқда. “Мен тажрибамдан шуни билдимки, - деб ёзади Амир Темур ўз тузукларида - юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан”¹⁸. Буюк бобокалонимизнинг ушбу ўғитлари тадбиркор ва ишбилармонлар учун дастурдир. Яна қанчалаб йўл-йўриқ, кўрсатмалар борки, буларнинг ҳаммаси тадбиркорлик фаолияти учун жуда муҳим.

Мазмун-моҳияти бўйича унумли фаолиятни англатадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Аксарият иқтисодчи олимларнинг қарашларида ушбу тушунчаларнинг моҳиятини ифодалашда қуйидаги таърифларни учратиш мумкин:

¹⁷ Темур тузуклари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти., 1996. -Б.11.

¹⁸ Темур тузуклари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти., 1996. -Б. 29.

- 1725 й. *Ричард Кантильон*: тадбиркор – таваккалчилик билан иш олиб борувчи киши.
- 1767 й. *Ж.Б.Сей*: “Сиёсий иқтисод рисоласи” китобида (1803 й.) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган.
- 1797 й. *Бодо*: тадбиркор – бажарилаётган иш учун масъул бўлган киши. Корхонага эга бўлиш, унинг ишини режалаштирувчи, назорат қилувчи ташкиллаштирувчи шахс.
- 1876 й. *Френсис Уокер*: капитал тавсия қилиб, унинг эвазига фоида олувчилар ва ўзининг ташкилотчилик қобилияти билан фойда кўрувчилар фарқини билиш лозим.
- 1924 й. *Йозеф Шумпетер*: тадбиркор – янги технологияларни яратувчи киши.
- 1961 й. *Дэвид Маклелланд*: тадбиркор – меъёрий таваккалчилик шароитида ҳаракат қилувчи серғайрат киши.
- 1964 й. *Питер Друкер*: тадбиркор – ҳар бир имкониятдан ўзи учун юқори даромад олувчи шахс.
- 1975 й. *Альберт Шапиро*: тадбиркор – ташаббускор, ижтимоий-иқтисодий механизмларни ҳаракатга келтирувчи шахс. Таваккалчилик шароитида ҳаракат қилиб, у барча масъулиятни ўз зиммасига олади.
- 1985 й. *Роберт Хизрич*: тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган бирор бир янги нарсани яратиш жараёнидир, тадбиркор эса шу нарсага керакли вақт ва кучларни сарфлаб, барча молиявий, психологик ва ижтимоий таваккални ўз зиммасига олувчи, эвазига эса пул ва маънавий қониқиш оладиган киши¹⁹.

Тадбиркорлик терминини биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантильон қўллаган эди. Унинг фикрича, ишбилармон таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи

¹⁹ М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдинова. Кичик бизнесни бошқариш. “Ўқитувчи” нашриёти, 2003. -Б. 17.

кишидир. Шу боис у ер ва меҳнатни иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган.

Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767- 1832) Англия саноатининг муваффақиятини “инглиз тадбиркорлари истеъдоди” таъминлаганлигини таъкидлаган. Ж.Б.Сейнинг асосий тезисида маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркорлар асосий фаолият кўрсатади дейилади.

Бизнинг фикримизча, Ж.Б.Сейнинг нуктаи назари муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. У ўзининг машҳур бўлган “Сиёсий иқтисодиёт талқини (шарҳи)” китобида тадбиркорни “ўз ҳисобидан riskли шароитда ўз фойдасига қандайдир маҳсулот етиштирувчи шахс” сифатида таърифлайди.

Ж.Б.Сейнинг фикрича, тадбиркор функциясига ишлаб чиқариш омилларини бирлаштириш (капитал ва меҳнат), ахборотларни йиғиш ва зарурий тажриба тўплаш, ташкилотдаги ишлаб чиқариш жараёнларида қарорлар қабул қилиш кабилар кирилади. Р.Кантильондан фарқли равишда Сей ижодий, экспериментал, riskли характерлар билан кузатиловчи ишлаб чиқариш омилларини мувофиқлаштирувчиси ва бошқарувчиси сифатидаги таърифни илгари сурди.

Ишлаб чиқариш омилларини мувофиқлаштирувчиси ва бошқарувчиси сифатига қараб Ж.Б.Сей тадбиркор ва оддий бошқарувчи функцияларини ажратиб кўрсатди. Шу билан бирга, у тадбиркорнинг фойдаси икки қисмдан иборатлигини қайд этди, яъни саноатдан келувчи фойда ва капиталдан олинувчи фойда.

У мулкдор – капиталист ва тадбиркорни ажратиб кўрсатмади. Энг асосийси, хусусий мулкдор билан тадбиркорлик функциясини, ҳатто, улар битта шахс бўлса ҳам фарқлаш мушкуллигини кўрмади.

Америкалик иқтисодчи Ж.Б.Кларк (1847-1938) Ж.Б.Сейнинг “учлик формуласи”га биров ўзгартириш киритди. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришда доим қуйидаги тўрт омил иштирок этади: 1) капитал; 2) капитал маблағлари

– ишлаб чиқариш воситалари ва ер; 3) тадбиркор фаолияти; 4) ишчининг меҳнати²⁰.

Ҳар бир омил ишлаб чиқаришдан олинаётган ўзига хос фойдани акс эттиради: капиталдан капиталист қўшимча фоида олади; кўчмас капитал рента беради; капиталистнинг ишбилармонлик фаолияти даромад келтиради; ишчининг меҳнати уни маош билан таъминлайди.

Ж.Б.Кларк таърифига кўра, “Эркин рақобат меҳнатга меҳнатдан келган нарсани беради, капиталистларга капитал яратган нарса тегади, тадбиркорлар мувофиқлаштириш фаолиятидан келган нарсани олади”²¹.

Тадбиркорлар фаолияти дастлаб илмий-тадқиқот ишларининг таҳлил объекти бўлмаган. Инглиз иқтисодчи олимлари А.Смит (1723-1790) ва Д. Рикардо (1772-1823) иқтисодиётни ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи механизм деб қабул қилганлар. Ушбу механизмда ижодий тадбиркорликка ўрин йўқ эди. “Халқлар бойлигининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш” (1776) китобида А.Смит тадбиркор таърифига эътибор қаратган. Унинг фикрича, тадбиркор – капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, А.Смит фикрича, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофот. Тадбиркор ишлаб чиқаришни ўзи режалаштиради, ташкил этади, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қилади. Шу боис А.Смит бозор тизимининг марказий механизмининг рақобат механизми деб тушунган. Ўз манфаатини кўзлаб юрган ҳар бир киши бозорда шу мақсад билан юрган кишиларга дуч келади. Натижада, бозорда ҳаракат қилувчи ҳар бир субъект рақобатчи таклиф қилган нархларга рози бўлади. Бундай рақобатда ўхшаш товарларга меъёрдан ортиқ нарх қўйган ишлаб чиқарувчи харидорни йўқотиши ҳеч гап эмас.

²⁰ М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдинова. Кичик бизнесни бошқариш – Т.: “Ўқитувчи” 2003. -Б. 6.

²¹ С.Ғуломов умумий таҳрири остида. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, ривожлантириш, бошқариш. “Фан ва технология” нашриёти, 2005. -Б. 7.

А.Смитнинг қайд қилишича, тадбиркор жамият сотиб олишни хоҳлаган ва керакли миқдордаги товарларни ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, А.Смит бозорнинг қудратли куч эканлигини, у жамиятни керак бўлган товарлар билан доимо таъминлашини ва бу тизим ўз-ўзини мувофиқлаштиришини кўрсатиб берган. А.Смит рақобат ва даромад ишларига давлатнинг аралашишига қарши бўлган. Унинг фикрича, ўз-ўзига қўйиб берилган бозор тизими ривожланади ва бундай тизими бор халқнинг бойлиги ортаверади²².

Бу борада вужудга келган иқтисодиёт назариясидаги янги йўналиш, асосчиси бўлган Кейнс Джон Мейнорд (1883-1946) назариясига қисман тўхталиб ўтамиз. Унинг фикрича, иқтисодиёт назариясида иккита оқим – “тартибга солинувчи иқтисодиёт” ва “эркин тадбиркорлик” мавжуд бўлган. Д.М.Кейнс биринчи оқимнинг асосчиси ҳисобланади. Унинг назарияси “Общая теория занятости, процента и денег”, (М., 1978) асарида батафсил баён этилган.

Кўп миқдордаги ишсизлик шароитида Ж.М.Кейнс иқтисодий назарияга ўзгартириш киритиш лозимлигини асослаган²³. У ўз назариясининг асосига иккита вазифани қўйган, яъни қандай қилиб оммавий ишсизлик ва иқтисодий инқирознинг олдини олиш мумкин?

Унинг назарияси асосида ўша давр шароитида асосан хусусий шахслар қарорига асосланадиган масалаларни марказлашган назоратга олиш асосий ҳаётий заруриятга айланди деган фикр ётади. Ж.М.Кейнс фикрича, давлат ўзининг раҳбарлик таъсирини инсонларнинг истеъмолга бўлган ёндашувини фоизлар нормаси, солиқлар ва бошқа усуллар билан тартибга солиши зарур. Иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида давлат иқтисодиётни тартибга солиб туриши, уни режалаштириши керак деб таъкидлайди.

Тадбиркор сўзининг моҳиятини ёритиб беришда академик С. Гуломов “тадбиркор – ўзининг маълум бир миқдордаги молиявий маблағини

²² М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдинова. Кичик бизнесни бошқариш. “Ўқитувчи” нашриёти, 2003. -Б. 6.

²³ История экономических учений. М., “Высшая школа”, 1983. -С. 403-424.

таваккал қилган ҳолда бозорга янги ғоя, маҳсулот, иш ва хизматлар билан кириб боровчи ишбилармон шахсдир”²⁴ деб таъриф беради.

Бошқа бир адабиётларда тадбиркорлик – бизнеснинг динамик ёки фаол элементи, хўжалик юритиш шакли. Тадбиркорлик – фуқорони ёки фуқороларнинг мустақил, ташаббусли фаолияти бўлиб, ушбу фаолиятни улар фойда олиш мақсадида ўзининг таваккалчилиги ва моддий жавобгарлиги асосида амалга оширади.

Бизнинг фикримизча тадбиркорлик – фуқорони ёки фуқороларнинг мустақил, ташаббусли, янги ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фаолияти бўлиб, ушбу фаолиятни улар фойда олиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилиб, ўзининг таваккалчилиги ва моддий ҳамда маънавий жавобгарлиги асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3 - моддасига мувофиқ тадбиркорлик дейилганда, тадбиркорлик фаолияти томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият тушунилади.

Тадбиркорлик – бу иқтисодий феномен, бизнес категорияси. Бизнес билан тадбиркорлик синоним эмас, лекин яқин тушунчалардир. Бизнес тушунчаси тадбиркорлик тушунчасидан кенгрокдир.

Бизнинг фикрича, тадбиркорлик деганда фуқороларнинг янги ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фойда олиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган амалдаги қонунлар доирасида ўзининг таваккалчилиги ва моддий ҳамда маънавий жавобгарлиги асосида амалга оширадиган мустақил, ташаббускор фаолият тушунилади. Тадбиркор деганда ўзининг маълум бир миқдордаги молиявий маблағини таваккал қилган ҳолда

²⁴ С.Ғуломов умумий таҳрири остида. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, ривожлантириш, бошқариш. “Фан ва технология” нашриёти, 2005.-Б. 7.

бозорга янги ғоя, маҳсулот, иш ва хизматлар билан кириб борувчи амалдаги конунлар асосида фаолият кўрсатувчи ишбилармон шахс тушунилади.

Бизнес – иш ёки фаолият. Хўжалик юритиш нуктаи назардан бизнес - иқтисодий фаолият, иш олиб бориш тизими ёки фаолият юритиш тизими бўлиб, унда товар ёки хизмат ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, уларни сотиш, ишлаб чиқариш омиллари, яъни мулк эгаси томонидан амалга оширилади.

Бизнес ишлаб чиқаришни ташкил қилишдан иборат фойдали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш тизимидир.

Бизнес тушунчаси қачон, ким томонидан, қандай вазиятда дастлаб ишлатилганлиги тўғрисида маълумотлар тарихий манбаларда деярли учрамайди. Бизнес сўзи инглиз тилидан келиб чиқишига қараб, унинг ватани Буюк Британия деб олишимиз ҳам мумкин. Яна бир асос XVIII-XIX асрлардаги саноат инқилоби, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт ҳам Буюк Британияда юз берганини мисол қилишимиз мумкин²⁵.

Бизнинг фикрича, бизнес деганда ўз ёки қарз маблағи, ўз жавобгарлиги остида ташаббускорлик ва таваккалчилик билан фойда олишга қаратилган фаолият тушунилади. Кичик бизнес деганда иқтисодиётнинг тез ўзгарувчанлигига мослаша оладиган, конунлар билан чегараланган ходимлар сонига эга бўлган, кичик ҳажмда фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади.

Тадбиркорлик объекти деганда, аввало маълум бир фаолиятни юритишга имконият яратадиган корхонани тушуниш лозим. Улар: ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик; хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик; савдо-сотиқ тадбиркорлиги; молия соҳасидаги тадбиркорлик.

Тадбиркорлик ишлаб чиқилган товар (кўрсатилган хизмат)лар ва шунга яраша даромадда моддийлашади. Даромад тадбиркорлик фаолиятини баҳолайдиган асосий мезон ҳисобланиб, у фаолиятнинг барча омилларидан

²⁵ М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдинова. Кичик бизнесни бошқариш. “Ўқитувчи” нашриёти, 2003. –Б. 7.

оқилона фойдаланишга боғлиқ. Тадбиркорлик бошида маълум бир соҳа фаолият кўрсатиш имконини белгилаш учун керак бўлса, сўнгра бундай ресурсларнинг янги муносабатлари тадбиркор учун ўта зарур бўлиб қолади. Кўриниб турибдики, реал ҳолатда тадбиркорликнинг объектида ресурслар комбинацияси амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида фикр юритиш борасида “хизмат”, “сервис” ибораларининг мазмунини ёритишга тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ўтган асрнинг 70 йилларидан бошлаб ривожланган мамлакатларда сервис иқтисодиётининг қарор топиб бориши ва унинг ривожланиш тенденцияларига иқтисодчи олимлар катта эътибор бера бошладилар. Иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг ривожланиб бориши билан унинг самарадорлигини баҳолашдаги ёндашувлар ҳам нафақат ўзгариб борди, балки хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этди.

Ҳозирги вақтда кўпгина иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти бўйича турли қарашлар мавжуд. Масалан, Г.А.Аванесованинг фикрича, “хизмат кўрсатиш фаолияти – бу индивидуал, гуруҳ ва ижтимоий хизматларни реализация қилиш бўйича кишиларнинг ўзаро ҳаракатларидир”²⁶. Ўзаро ҳаракатдаги инсонларнинг бир қисми ўзларининг кўплаб эҳтиёжларини моддий неъматлар олиш асосида, бошқалари эса аниқ хизматлардан фойдаланиш орқали қондирадилар.

Бундай муносабатлардан асосий мақсад – моддий неъматлар яратиш эмас, балки инсонларнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш ҳисобланади. Гарчи хизмат кўрсатиш фаолияти буюмларда (моддий неъматларда) мужассамланса ҳам, у бевосита меҳнат жараёнида истеъмол қилинган фойдали меҳнат самараси ҳисобланади.

²⁶ Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: историческая и современная практика, предпринимательство менеджмент (учеб – пасатия). М – Аспект – Пресс. 2005. -С. 63.

Ж.А.Романов хизмат кўрсатиш фаолиятига хизматлар кўрсатиш йўли билан инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолият²⁷ деб таъриф беради. Аммо шуни таъкидлашимиз керакки, сервис фаолиятини амалга ошириш жараёнида нафақат аниқ бир инсоннинг эҳтиёжлари, балки ташкилотлар ҳамда жамият эҳтиёжлари ҳам қондирилади.

Агар юқоридаги тарифларни таҳлил қиладиган бўлсак, хизмат кўрсатиш фаолиятига бир мунча тўлиқроқ таърифни В.К.Романов берган. Унинг фикрича, хизмат кўрсатиш фаолияти хизмат кўрсатиш асосида мижозлар, яъни алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва ташкилотлар эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган фаолият туридир²⁸. Бунда муаллиф томонидан хизмат кўрсатишнинг турли шакллари ўз ичига олувчи инсон фаолиятининг қуйидаги тўртта асосий шакллари қараб чиқилади²⁹:

1. Моддий жиҳатдан қайта ишлаш фаолияти. Бу инсон томонидан табиатни, жамиятни ўзгартириш билан амалга ошади. Мазкур жараёнда хизмат кўрсатиш фаолияти ўзида инсонларнинг моддий эҳтиёжларини (таъминлаш, техник хизмат, савдо, тиббиёт, маиший хизмат, умумий овқатланиш ва бошқалар) қондиришни мужассамлаштиради.

2. Интеллектуал билиш фаолияти – инсоннинг моддий эҳтиёжларини эмас, балки маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолият сифатида билиш ва ахборотлар манбаига эга бўлишни талаб этади (таълим хизматлари, ахборот хизматлари).

3. Қадр-қимматни оширишга йўналтирилган фаолият. Бу реклама, экспертиза, психодиагностика, имидж хизмати, бадий – безаш фаолияти, диний характердаги хизматлар орқали инсонларнинг қадр-қимматини оширишдир.

4. Коммуникатив фаолият. Бу алоҳида одамлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар ўртасида ўзаро муносабатларни ташкил этиш орқали

²⁷ Романов Ж.А. Сервисная деятельность М: Дашкови К. 2006. -С. 9.

²⁸ Романов В.К. и др. сервисная деятельность: учеб пос-3е изд. – М.: Дашков и Ко. 2003. –С. 10-15.

²⁹ Уша ерда. –С. 10-15.

амалга оширилади. Ушбу йўналишдаги хизмат кўрсатиш фаолиятларига учрашувлар, кўргазмалар, мулоқотлар, интернет орқали мулоқотлар, таржимонлик хизматлари ва бошқалар киради.

В.К.Романов хизмат кўрсатиш фаолиятини қатъий тарзда бирор бир фаолият турига киритишни ёқламайди. Мазкур хизматлар реал иқтисодий ҳаётда ўзаро бир-бири билан алоқада ва боғлиқдир.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш фаолияти бу – турли шакл ва йўналишларда хизмат кўрсатиш асосида аҳолининг, ижтимоий гуруҳ, корхона ва ташкилотларнинг моддий, ижтимоий-моддий, маърифий талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган яқуний натижаларга эришишда истеъмолчиларнинг бевосита ёки билвосита иштирок этиши билан амалга ошириладиган фаолият.

1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишда ва самарадорлигини оширишда чет эл тажрибалари

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кўпгина ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш давлат ёрдами воситасида таъминланди. Уларда бу соҳада жуда катта ижобий тажриба тўпланган, ундан бизнинг шароитларимиз ва хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини оширишда хориж тажрибаларидан фойдаланар эканмиз, энг аввало барча ривожланган мамлакатларга хос бўлган умумий тамойилларни ҳисобга олиш зарур. Улар қуйидагича: Кўпгина ривожланган хориж мамлакатлари оёққа тураётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга махсус имтиёзли солиқлар жорий қилади. Жуда кўп ривожланган мамлакатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, энг аввало унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди, яъни қонун ва меъёрий ҳужжатлар

қабул қилиб, ҳаётга татбиқ этади. Аксарият ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ҳимоясига олинган. Давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бутун фаолиятдан воқиф бўлиб, бошқарув тизимини тартибга солиш ва такомиллаштиришга кўмак беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар хил молиявий ёрдам кўрсатилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат дастурлари қабул қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга биринчи навбатда имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи бирлашмалар, Кенгаш ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ривожланган мамлакатларда жамоат ташкилотлари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий ҳимоячиси бўлиб ҳисобланади. Йирик ташкилот ва бирлашмалар, акционерлик жамиятлари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан ёрдамни аямайди³⁰.

Юқорида келтирилган тажрибаларни алоҳида давлатлар мисолида кенгроқ таҳлил қилиб чиқамиз.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 50-60 фоизи, капитал жамғарма экспортининг 30-40 фоизидан ортиғи тўғри келадиган дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларидаги иқтисодий ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳисобланади. АҚШ, Германия, Англия, Италияда мулкчиликнинг кичик шаклидаги корхоналар ҳисобидан 2/3 қисм ишчи ўрни яратилади.

XX асрнинг 60- йилларида Ғарб иқтисодий стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятига етарлича баҳо берилмади. Ўша вақтда улар кичик корхоналарни иқтисодий ривожланишнинг оралик зинапояси сифатида қараб, улар бартараф этилиши ёки янада йирикроқ тузилмаларга айлантирилиши керак деб қарадилар. 70-80 йиллардаги

³⁰ Интернет ва оммавий ахборот воситалари материаллари асосида муаллиф тайёрлади.

тадбиркорлик тараққиёти Ғарб тадқиқотчиларини қуйидаги қатор сабабларга кўра олдинги хулосаларидан воз кечишга мажбур қилди:

биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини яратишга имкон берди;

иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида янгиликлар ва замонавий технологиялар кенг қўлланилди;

учинчидан, аҳолининг катта қисми бозор муносабатлари тизимига жалб қилиниб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамият (барқарорлиги) фаровонлигини таъминлай бошлади (чет эл олимларининг маълумотларига қараганда, тизим барқарорлиги таъминланади, қачонки 20-30 фоиз фуқаролар ўзининг хусусий ишига эга бўлса).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг обрў-эътибори (нуфузи) ўтган асрнинг 80-йилларида янада кўтарилди. Кичик корхоналар чакана савдо ва хизматлар соҳасида кўпроқ ташкил қилина бошланди, бироқ уларнинг ўсиш суръати бўйича иқтисодиётнинг катта фан ҳажмини талаб этувчи тармоқлари жумладан, электроника, биотехнология, информацион хизматлар каби соҳалари етакчилик қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик илмий-техника инқилобининг замонавий босқичида амалга ошириладиган муҳим шакли бўлиб сифат жиҳатдан янги аҳамият касб этди.

Дунёнинг ривожланган давлатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш таҳлилини ўтказиб, шундай хулосага келдикки, сўнгги 30-40 йил ичида кичик корхоналарнинг ўсиш суръати тезлашди, миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ортди. Бундай ўсишга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муаммоларига давлат томонидан берилган диққат-эътибор туфайли эришилди. Ривожланган давлатларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- солиқ юкини енгиллаштириш;
- рухсат бериш тартибини қисқартириш ва соддалаштириш;
- иш фаолиятига ноқонуний аралашининг олдини олиш;

- табиий монополия соҳаларига кичик бизнес вакилларининг кириши учун шарт-шароитлар яратиш;
- юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар сотиб олиш учун шароит яратиш;
- бўш турган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун кенг имкониятларни яратиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак бериш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарур инфратузилмаларни яратиш;
- монопол маҳсулот ва хизматлар харажатларини камайтириш.

Кўпгина ривожланган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш комплекс дастурини амалга ошириш учун жавоб берувчи давлатнинг махсус идоралари ташкил этилган.

Ривожланган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг бугунги босқичида улкан иқтисодий аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётига ўтган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда биз дунёдаги иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибаларини кўриб чиқамиз:

АҚШ ва Япония, Европа давлатларидан Англия, Германия, Франция ва Италия. Бу давлатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларига эга ҳамда бу борада улкан давлат дастурлари ишлаб чиқилган. 1,5 ва 1,6 расмлар шундан далолат беради. Кўриб чиқилган барча давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши 50 фоиздан ошади, уларнинг учдан бирида эса 70 фоиз атрофида (эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2009 йил якунида 50 фоизни, шу жумладан, Самарқанд вилоятида 52,5 фоизни ташкил этган).

Чет элда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўтказган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ривожланган давлатларда кичик ва ўрта корхоналар жами корхоналарнинг 80 фоизини ташкил қилади. Масалан, АҚШда уларнинг сони 25 млнтани ташкил этиб, тармоқлар бўйича улуши қуйидагича тақсимланган: қишлоқ хўжалигида - 81,9 фоиз, қурилишда – 82,2 фоиз, улгуржи савдода – 80,6 фоиз, хизматлар соҳасида – 75,6 фоизни ташкил этади. АҚШдаги кичик корхоналарда меҳнат унумдорлиги мамлакат бўйича барча меҳнат унумдорлигининг 92 фоизини, ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 70 фоизни ташкил қилади.

Японияда кичик бизнес (9 млн. кичик корхона) миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларидан миқдор жиҳатдан устун туради. Унда 80 фоиз аҳоли банд бўлиб, меҳнат унумдорлиги йирик корхоналардаги меҳнат унумдорлигининг 67 фоизини ҳамда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 78 фоизни ташкил қилади. Италияда 4 млн. кичик корхонанинг меҳнат унумдорлиги йирик фирмалардаги меҳнат унумдорлигининг 78 фоизини, ЯИМдаги улуши эса -73 фоизни ташкил қилади. 90 йилларнинг бошларида АҚШда 26,15 фоиз корхона ўта майда 28,4 фоизи – майда, Японияда мос равишда 49,4 фоиз ва 28 фоиз, Буюк Британияда – 26 фоиз ва 23 фоиз, Францияда 32 фоиз ва 28 фоизни ташкил қилади, бу ерда ўта майда корхоналарга 19 нафаргача, майда корхоналарга 99 кишигача ишчи банд бўлган фирмалар киради.

Шундай қилиб, АҚШ, Буюк Британия ва Францияда майда ва ўта майда фирмалар мамлакат иқтисодиётидаги барча корхоналар миқдорининг яримини ёки яримидан ортиғини, Японияда 4/3 қисмини (77 фоиз) ташкил қилади. Буюк Британия, Германия, Италиядаги кичик ва ўрта корхоналарнинг саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 60-70 фоизини ташкил қилади. Ривожланган давлатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи ролни ўйнайди.

Европанинг кўриб чиқиляётган давлатлари бўйича кичик корхоналарда банд бўлганлар сонининг ўртача кўрсаткичи 16 млн. кишини ташкил этади. АҚШда бу кўрсаткич ўта юқори 70,2 млн. киши ҳамда жами корхоналарнинг

99,6 фоизини ташкил қиладиган кичик ва ўрта корхоналарда барча Америка ишчиларининг 3/2 қисми меҳнат қилади (ёки меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли ярми) ҳамда 50 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Америкада кичик корхоналар йирик фирмаларга қараганда икки маротаба кўпроқ янгиликларни ўзлаштиради ва саноатдаги инновацион жараёнларнинг асосий генераторлари ҳисобланади. Бунга мамлакат майдони, аҳолининг сони, иқтисодий-географик жойлашуви каби факторлар имкон яратади.

Японияга ҳам бу соҳада банд бўлганларнинг ўта юқори кўрсаткичи хос. Яъни, 40 млн. киши. Умумий банд бўлганларнинг улуши 78 фоизини ташкил қилади. Бу давлатда кичик корхоналарда банд бўлганларнинг ортишига мулкчиликнинг кичик шаклидаги тизимининг ўрта ва йирик бизнес билан ўзаро ҳамжиҳатлик алоқалари имкон берди. Англия, Германия, Франция кичик ва ўрта корхоналарда банд бўлганларнинг ялпи улуши бўйича АҚШ билан бир хил даражада, яъни 54 фоизни ташкил қилди (1.8-расм). Европа Иттифоқининг 12 давлатида 1990 йилдан бошлаб ноқишлоқ хўжалигида 15,8 млн. хусусий корхоналар қайд қилинди. Улардан 14,7 млн. микрокорхоналар бўлса, қарийиб 1 млн. кичик корхоналар, тахминан 70 мингида 100 тадан 500 ходимгача ва фақатгина 1300 ида 500 нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатган. Микро корхоналар ҳиссасига жами банд бўлганларнинг 31,8 фоизи, кичик корхоналарга 24,9 фоизи ва ўрта корхоналарга 15,1 фоизи тўғри келди.

Алоҳида ривожланган давлатлардаги бозор иқтисодиёти субъектларининг амал қилиши ва фуқоролик қонунларини кўриб чиқиб, кичик бизнес субъектларининг қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари ажратиб кўрсатиш ва кичик бизнес корхоналари сафига киритишнинг умумий мезонларини қайд қилиш мумкин.

2.1-жадвалдан кўриниб турибдики, якка тартибдаги корхоналар кичик бизнеснинг янада кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Кичик тадбиркорлик субъектларига бозор иқтисодиёти субъектларини

киритишда асос бўладиган умумий мезон кўрсаткичлари ходимлар (банд бўлганлар) сони, низом жамғармасининг миқдори, активлар миқдори, айланма ҳажми (фойда, даромад) ва ҳ.к. ҳисобланади. Умумжаҳон банки маълумотларига кўра, корхоналарни кичик тадбиркорлик субъектларига киритишдаги умумий кўрсаткичлар сони 50 тадан ортиқ. Бироқ, янада кўпроқ қўлланиладиган мезонларга қуйидагилар киради: корхонада банд бўлган ходимларнинг ўртача сони, қоидага кўра бир йилда корхона оладиган йиллик айланма ҳамда активлар миқдори. Лекин барча ривожланган давлатларда корхоналарни кичик тадбиркорлик субъекти сафига киритишдаги биринчи мезон ишловчи ходимлар сони ҳисобланади.

Япония статистикаси кичик ва ўрта корхоналар категориясига қуйидаги корхоналарни киритади: қазиб олиш ва ишлаб чиқариш саноатида, транспортда, қурилишда, алоқада ҳамда электр, газ ва сув таъминотидаги корхоналарда 300 кишидан ортиқ бўлмаган бандлар сони билан капитал миқдори 100 млн. иенгача бўлган корхоналар киради. Улгуржи савдода бандлар сони 100 кишидан ортиқ бўлмаган ва капитал миқдори 20 млн. иенгача; чакана савдо ва хизматлар соҳасида банд бўлганлар сони 50 кишидан ортиқ бўлмаган ва капитал миқдори 10 млн. иендан юқори бўлмаган корхоналар киради.

1995 йил 1 январдан бошлаб Европа ҳамжамиятида кичик корхонага қуйидаги кўрсаткичлар даражасидан ортиқ бўлмаган корхоналар киради: иш билан банд бўлганлар сони 50 кишигача; йиллик айланмаси (оборот) 4 млн. экюдан, баланс суммаси 2 млн. экюдан кам бўлган корхоналар киради.

Европа ҳамжамиятидаги ўрта корхоналарга ўз фаолият натижаларида қуйидаги кўрсаткичлар даражасидан юқори бўлмаган корхоналар киради: Банд бўлган ходимлар сони 50 кишидан 250 кишигача; йиллик (савдо) айланмаси 16 млн. экюдан, баланс сўммаси 8 млн. экюдан кам бўлган корхоналар.

ЕИ даражасида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чоралари аниқланганда кичик корхоналар қаторига киритишда бошқа

кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг мазкур босқичида ЕИ комиссияси томонидан фирмаларни кичик корхоналар сафига киритишнинг бошқа мезонлари ҳам таклиф этилади. Яъни, банд бўлган ходимлар сони 100 кишидан ошмаслиги керак; хусусий асосий капитал миқдори 75 эюдан кам бўлиши талаб этилади. Бунда фирманинг низом жамғармасида йирик компаниянинг улуши 3/1 қисмдан ортиб кетмаслиги керак. КЕС 10 кишигача банд бўлган микрофирмаларни (кўпгина ҳолатларда булар якка тартибдаги ва оилавий корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари дир) ва ходимлар сони 10 кишидан 99 кишигача тебраниб турадиган кичик фирмаларни ажратади.

Америкада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ЯИМнинг 70 фоизини таъминлайди. Бу секторда ҳар йили 75 фоиз янги иш ўринларини яратадиган 25 млн. кичик корхона фаолият кўрсатади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инновацияларнинг 55 фоизи амалга оширилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари давлат буюртмалари бўйича 35 фоиз ишларни амалга оширади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда юқори технологиялар соҳасида 38 фоиз иш ўринлари мувофиқлаштирилган.

АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муаммолари билан икки идора – кичик бизнес маъмурияти (КБМ) ва кичик бизнес ишлари бўйича Конгресс қўмитаси шуғулланади. Уларда 4-5 минг ходим фаолият кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради: фақатгина кичик ва ўрта корхона муаммоларини ечиш учун мўлжалланган.

КБМ мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда турли хилдаги молиявий институтларни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратади. Унда қуйидаги дастурлар ишлаб чиқилган:

- кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш дастури (ўз ичига 7 та дастурни олади, “7а кафолатли кредитлар” дастури таянч дастур ҳисобланади);

- инновацион кичик корхонани қўллаб-қувватлаш дастури (3 та дастурдан иборат);
- маслаҳат бериш, ўқитиш, техёрдм ва ахборот хизматлари бўйича дастурлар (10 та дастурдан иборат);
- табиий офатларда ёрдам дастури (6 та дастур);
- кичик корхонанинг экспорт имкониятларини ривожлантириш бўйича дастур (бу йўналиш 4 та дастурни ўз ичига олади);
- миллий камчил бўлган ва манфаатлари бўғиб қўйилган гуруҳларни қўллаб-қувватлаш дастури (ўз ичига 7 та дастурни олади);
- аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури (3 та дастур).

АҚШда кичик мулкчилик шаклини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича жами 61 та махсуслаштирилган дастур ишлаб чиқилган. Дунёнинг бошқа ҳеч қайси мамлакатада бундай қудратли амал қилувчи дастурлар мавжуд эмас. Бундан ташқари кичик ва ўрта тадбиркорликни солиқ соҳасида рағбатлантиришнинг КБМ тажрибаси ҳам диққатга сазовор. У чегарали солиқ ставкаларининг босқичма-босқич камайиб боришидан ва тор солиқ базасида солиққа тортишни камайтириш ҳамда солиқ имтиёзларидан кенг доирада фойдаланишни кўзда тутди. Бу эса саноатда, хизматлар соҳасида ва савдода инвестициялар оқимини таъминлайди.

АҚШда фойда солиғининг 16 минг АҚШ долларигача имтиёзли солиқ ставкалари амал қилади, 15 фоизли солиқ биринчи 50 минг АҚШ долларига ва 25 фоизли солиқ кейинги 25 минг АҚШ долларига, ушбу суммадан юқорисига максимал 34 фоизли солиқ ставкаси амал қилади.

Шундай қилиб, ўта кичик, кичик ва ўрта бизнесга турлича ёндошувлар амал қилади. Корхона қанчалик кичик бўлса, солиқ имтиёзлари шунчалик катта бўлади. Бундан ташқари КБМ қуйидагиларни амалга оширади:

- инвестицион солиқ чегирмаси (солиқ тўланадиган йилгача уч йил давомида ҳар йиллик сотиш суммаси 5 млн. доллардан ошмаган корхоналар учун мол-мулкка ёки иншоотларга доимий 7 фоизли чегирма);

- капиталнинг бозор нархи (қиймати, баҳоси) ортиши билан солиқ тўловларидан озод бўлиш (5 йилдан кам бўлмаган компания капитали сотилганда солиқдан 50 фоизли чегирма).

- банд аҳолини тиббий суғурталаш (бандларнинг ўзлари учун суғурта суммасидан 25 фоизли чегирма);

- “тадбиркорлик худуди”ни ташкил этиш (кичик бизнесни ривожлантириш учун инвестицияларни жалб этишга мўлжалланган 50 та федерал зоналар аниқланган);

КБМ томонидан ўтказиладиган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг бундай улкан сиёсати иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўзининг сезиларли натижаларини берди: ЯИМда кичик бизнеснинг улуши ортмоқда, корхоналар сони кўпаймоқда, табиийки ундаги иш ўринлари ҳам йил сайин ортиб бормоқда.

Сўнгги 20-30 йил ичида Япония иқтисодиётида рўй берган улкан ўзгаришлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Агар 60 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга техник қолоқ корхоналардан ташкил топган, иккинчи даражали, ишчи кучларидан фойдаланадиган, кам фойда оладиган, меҳнат унумдорлиги пастлиги ва меҳнат шароитлари оғирлиги билан фарқланувчи япон тадбиркорлигининг паст қатлами сифатида қаралган бўлса, энди бу тушунчаларнинг хато эканлиги тан олинди. Сўнгги 10 йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўлами нафақат бир неча маротабага ортди, балки ишлаб чиқариш техника ва технологиясининг даражаси, меҳнат унумдорлиги ошди, ташқи иқтисодий фаолият кўлами ва илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилиш даражаси ҳам кенгайди.

Юқорида қайд қилинган ўзгаришларнинг тез суръатларда амалга ошиши билан кичик бизнесни шакллантириш жараёни рўй берди. Бир минтақада ёрдамчи хўжаликлар шаклида ишлар ташкил этилган оилавий типдаги кўпгина майда фирмалар кўзга ташланса, бошқа минтақада ишлаб чиқаришдаги технология ва самарадорлик даражаси нуқтаи назаридан, ҳатто,

йирик компанияларга тенглашадиган ҳамда улардан ҳам юқори мавқега эришган бир неча юзлаб фирмаларни кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчасига бирлаштирилган турли шакл ва кўринишдаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ресурслари асосий турлари капитални, ишчи кучларни, техника ва илмий-техник информацияларни бошқаришни ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан мазкур гуруҳлар ва йирик компаниялар ўртасидаги аниқ фарқларни белгилаш мумкин. Масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш учун маблағлар манбаи сифатида қимматли қоғозлар бозори унчалик очик эмас. Йирик компанияларда фойдадан энг аввало, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва капитал жамғариш мақсадларида фойдаланилса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда фойда тадбиркор оиласининг шахсий бойлигини орттириш учун сарфланади.

Агар мамлакатдаги йирик компаниялар бошқа корхоналарда иш тажрибасига эга бўлмаган олий ва ўрта махсус маълумотли ёшларни ёллаб ҳамда уларни нафақа ёшигача фирмага бириктириб қўйишга интилса, майда ва ўрта компаниялар меҳнатга лаёқатли аҳолининг барча қатлами, яъни юқори малакали мутахассислардан уй бекалари ва мактаб ўқувчиларигача мавжуд бўлган эркин ишчи кучларига мурожаат қиладилар. Йирик корхоналарда умр бўйи ёлланиб ишлашдан фарқли равишда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ёлланма шаклнинг янада мослашувчан усулларида фойдаланилади, меҳнатни бошқариш тизими эса йирик корхоналарга нисбатан демократик характер касб этади.

Энг муҳим ҳисобланган ресурс - илмий-техника тараққиётидан фойдаланишда ҳам йирик ва кичик бизнес ўртасида каттагина фарқ мавжуд. Сўнгги ўн йилликда кичик корхоналар инновацион жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланган бўлса-да, уларнинг бу соҳадаги ўрни чекланган. Мамлакат халқ хўжалигида банд аҳолининг 80 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Битта илмий ходимга ҳисоблаганда тадқиқотларга харажатлар йирик компания даражасидан 3

фоизинигина ташкил қилади. Агар йирик корхоналар фундаментал тадқиқотлар, янги технологиялар билан шуғулланса, кичик ва ўрта корхоналар амалий ишланмаларга, товарларининг истеъмол хусусиятларини яхшилашга диққат – эътиборни қаратадилар. Шу билан бирга кичик фирмалар ўртасида ҳам юқори технологиялар соҳасида, жумладан йирик компаниялар буюртмалари бўйича НИОКРни ўтказишга махсуслаштирилган венчур корхоналари ҳам мавжуд. Японияда инновацион сиёсат амалга ошириладиган кичик ва ўрта корхоналар умумий корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этади, уларининг ЯИМдаги улуши эса 54 фоизни ёки 3 триллион долларни ташкил этади.

Шуни қайд қилиш керакки, ўзига хос табиати туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик япон иқтисодиётини ривожлантиришга имкон берувчи қатор функцияларни бажаради. Биринчидан, айнан шу ерда йирик компаниялар учун хос бўлган монополлаштириш тенденцияси мавжуд бўлган юқори рақобатли бозор муҳити сақланиб қолади. Иккинчидан, ўзининг мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлиги туфайли йирик корхоналарга нисбатан кичик корхоналар бозор сигналларини тезроқ пайқайди ва жамиятнинг янги эҳтиёжларига жавоб берадиган тараққиётга мослашади. Учинчидан, меҳнат бозори ва конъюнктура ҳаракатларининг ўзгаришига тезда мослашиб, кичик ва ўрта корхоналар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни барқарорлаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос ўрнини ҳисобга олган ҳолда Япония давлати уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, кўмаклашмоқда. Бундан мамлакатда кичик корхоналар бозорида нобарқарор муҳитда ишлаш билан боғлиқ бўлган турли хилдаги хавфлар ва муваффақиятсизликлар суғурталанган деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳар йили Японияда юзлаб кичик корхоналар тугатилмоқда, бироқ хусусий тадбиркорликда ўз муваффақиятига ишонган янги фирмалар уларнинг ўрнини босмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, Буюк Британия кичик бизнесга фойда миқдори асос қилиб олинган давлатлардан бири ҳисобланади. Агар корхонанинг йиллик фойдаси 250 минг фунт стерлингдан ошмаса, у ишлайдиган муҳит ва ишчилар сонидан қатъи назар автоматик равишда кичик фирма ҳисобланади.

1990 йилларда Буюк Британияда 2,6 млн. кичик фирмалар (бандлар сони 99 кишигача) фаолият кўрсатиб, улар мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар умумий сонининг 96 фоизини ташкил қилади. Уларда хусусий секторда ёлланма ишлайдиганларнинг 36 фоизи банд ҳамда умумий савдо айланмасининг 21 фоизини ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги кичик ва ўрта кичик фирмалардир: 1579 мингтасида 1-2 ёлланма ходим банд, 173 мингтасида 3-5 киши, 190 мингтаси 6-9 ва 140 мингта фирмада 11-19 киши банддир.

1990 йилларнинг бошларида ГДРда 80 минг хусусий кичик ҳунармандчилик корхоналари, 10 минг эркин лавозим вакиллари ва 7,5 мингта йирик ва ўрта давлат корхоналари қайд қилинган.

1990 йил октябрида Германия бирлаштирилгандан сўнг 1994 йил охиригача ГДРда деярли барча давлат корхоналари хусусийлаштирилди. 1999 йилга келиб, янги федерал ерларда фаол ишлайдиган кичик ва ўрта корхоналар сони 550 мингтагача ўсди. Шуни таъкидлаш керакки, кичик ва ўрта корхоналар немис иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Немис қонунчилигига кўра, кичик корхонага 9 кишигача ишлайдиган ва йиллик айланмаси (оборот) 1 млн. евродан ортиқ бўлмаган фирмалар киради. Ўрта корхоналарга 10 кишидан 499 кишигача банд бўлган ва йиллик обороти 1 млн. евродан 100 млн. еврогача бўлган корхоналар киради.

Ҳозирги вақтда Германияда 5800 йирик корхонлар билан бирга 3,3 млн. кичик корхоналар ҳамда ҳунармандчилик, саноат, савдо, хизматлар соҳасидаги яқка тадбиркорлар барча солиқ тўловчи корхоналарнинг 99 фоизини ташкил қилади. Бу корхоналар Германиядаги қарийб 70 фоиз иш ўринларини таъминлайди. Бу 22,2 млн. киши бўлиб, жумладан, 6 млн. киши

хунармандчилик соҳасида, 2,6 млн. киши саноатда, 2,3 млн. киши савдода, 12,1 млн. киши хизматлар соҳасида фаолият кўрсатиб, “Эркин лавозим” вакиллари ҳисобланади. Бу корхоналарда 80 фоиз ёш мутахассислар ўқитилади (1,3 млн. киши), уларга техник, информацион технологиялар соҳасидаги мутахассисликлардан бошлаб, классик хунармандчиликкача бўлган 350 хилдаги турли лавозимлар таклиф қилинади. Кичик ва ўрта бизнес айланмасидан қарийб 45 фоизи тушумларни таъминлайди, немис экспортининг 30 фоизини амалга оширади. 1999 йилда кичик ва ўрта корхоналар Германиядаги ялпи инвестицияларнинг 46 фоизини амалга оширди, ЯИМнинг 57 фоизини таъминлади. 70 фоиз кичик ва ўрта корхоналар 40 ёшдан ошган шахслар томонидан бошқарилади. Гимназия ёки ОЎЮни тугатган раҳбарлар улуши 50 фоизлик кўрсаткичга яқинлашмоқда.

Германиядаги ялпи капитал жамғармаларининг 36 фоизи кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Ҳар бир кичик ва ўрта корхона ҳар йили ўртача 56 минг евродан ортиқроқ сарфлайди. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ходимлар бандлиги даражаси таҳлил қилинганда биринчи ўрин хизматлар соҳасига (54,5 фоиз) сўнгги ўрин савдо соҳасига эса (10,3 фоиз) тўғри келди. Германияда иқтисодиётнинг кичик ва ўрта корхоналарини муваффақиятли ривожлантириш учун асосий замин ўрта синф(бўғин) сиёсати ва бандлик соҳасидаги сиёсатлар ўзаро боғлиқ вазифа ҳисобланади. Давлат кичик корхоналарининг иқтисодий жараёнларига фақатгина шундай вазиятда аралашадики, иқтисодиётнинг қайси хусусий сектори халқ хўжалигида амалдаги ёки ўзгараётган ижтимоий-сиёсий талабларга жавоб беришга қодир бўлмаган вазиятлар кўзда тутилади (Масалан, атроф муҳит муҳофазаси тўғрисида).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширувчи ташкилотларга давлатнинг ҳукумат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари киради. Кичик мулкчилик шаклидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш уларни ривожлантиришга кўмак бериш бўйича муҳим функциялар қатор молиявий

институтларга, жумладан махсулаштирилган банкларга ҳамда хусусий бизнесда ўз – ўзини тартибга солувчи ташкилотларга, масалан, савдо-саноат палатасига берилган. Германияда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашнинг давлат тизими федерал ва минтақавий даражада 500 дастурни ўз ичига олган бўлиб, қўйидаги йўналишлар бўйича кичик ва ўрта бизнес соҳасида инвестицион фаолиятга ҳамкорлик қилишга йўналтирилган:

- информацион таъминотдаги инвестицияларни қўллаб-қувватлаш(бошланғич тадбиркорлар учун барча иқтисодий ва техник консультациялар молиялаштирилади);

- моддий таъминотдаги инвестицияларни қўллаб-қувватлаш (корхонани капитал билан таъминлаш ва шу асосда уларнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш);

- молиявий қўллаб-қувватлаш (билвосита солиқ имтиёзлари ва бевосита давлат қўшимчалари (надбавка) субсидиялар (беғараз ёрдам ва имтиёзли кредитлаш давлат томонидан кредит суммасининг 3 фоиздан 10 фоизгача дотациялар берилади);

- бошланғич тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш;

- кредитли қўллаб-қувватлаш – 2000 йилда федерал дастур доирасида Германияда бошланғич тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 8 млрд. евро миқдоридаги маблағ ажратилди. Бу инвестициялар кўринишидаги 30 млрд. евро атрофида жамғармаларни рағбатлантирди. 40 фоизгача инвестициялар корхоналарни ташкил этишда ўзига хос имтиёзли кредит асосида, кафолатларсиз 20 йилгача муддатга, биринчи ўн йилда қайтариш мажбуриятидан озод қилинган ҳолда тақдим этилди (кредитнинг максимал суммаси 1 млн евро). Бундай кредитлар бошланғич тадбиркорларнинг хусусий капитали ўрнини босади. Чунки кредитнинг қайтарилмаслик rischi (хавфи)ни давлат тўлиқ ўз зиммасига олади;

- капиталда иштирок этиш кўринишида ёрдам;

- улушли иштирокнинг максимал миқдори 1,5 млн. евро, иштирок этиш муддати - 10 йил.

Юқорида қайд қилинганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, давлатнинг кичик ва ўрта корхоналар ривожланишидан манфаатдорлиги, мамлакат учун кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий аҳамиятини тушунишдан далолат беради. Германияда кичик ва ўрта корхоналар немис иқтисодиётининг ўзагини ташкил этади, улар мамлакатдаги қуйидаги ижтимоий масалаларни ечади: бандлик, янги иш ўринларини яратиш, ёш мутахассисларни ўқитиш. Кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб–қувватлашни кенг қамровли функцияларни кредитларнинг реал ишлаб чиқарилган маҳсулотлари, субсидия(беғараз ёрдам), имтиёзлар, кафолатлар кўринишидаги давлат маблағларининг кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга сарфланган қисми ижтимоий натижаларни бериб, Германияда кичик ва ўрта корхоналарни янада ривожлантиришга катта имкониятлар яратмоқда.

Францияда кичик корхона тоифасига исталган соҳада банд бўлган, ёлланма ходимлар сони 50 кишидан ошмаган фирмалар киради. Бандлар сони 10 кишидан ортиқ бўлмаган корхона раҳбари хунарманд ҳисобланади. Кичик ва ўрта фирмалар кўп ҳолларда аграр – озиқ-овқат секторида, пудрат асосидаги ишларда, наشريётлик, авиа ва кемасозликда учрайди. Кичик ва ўрта корхоналар мамлакатда қайд қилинган (рўйхатдан ўтказилган) барча корхоналарнинг 99,8 фоизини ташкил қилади. Уларга Францияда фуқоролар томонидан амалга ошириладиган барча инвестицияларнинг 17 фоизи тўғри келади. Кичик ва ўрта корхоналарда 56,6 фоиз француз хизматчилари меҳнат қилади. Франция тажрибасидан келиб чиқиб иқтисодиёт тармоқларига кичик ва ўрта бизнес таъсири шундан далолат берадики, у аҳолининг бандлиги бўйича: қурилиш ва қишлоқ хўжалигида – 81,4 фоиз, бозор хизматларида – 79,8 фоиз, савдода – 78,2 фоиз, саноатда – 52,4 фоизни ташкил этади.

Францияда бош вазир назорати остида миллий даражада кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш ҳамда рўйхатдан ўтказишни соддалаштирувчи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича комиссия фаолият кўрсатади. Саноат ривожланган давлатлардаги каби бу ерда ҳам кичик ва ўрта бизнес

кичик ва ўрта корхоналар самарали ривожланишига имкон берувчи давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Франция кичик ва ўрта корхоналарига молиявий ёрдам миллий даражада янада кўпроқ ташкил этилади, сўнг минтақавий даражага туширилади. Миллий даражада молиялаштириш кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш банкининг вазифаси ҳисобланади.

Франция ҳукумати ишсизликнинг юқори даражаси (9,1 фоиз)ни бартараф этишда кичик тадбиркорликдан фойдаланиб, ижтимоий масалаларни ҳал этади. 5 йил давомида кичик корхоналар 900 мингтага етказилди, 10 йил давомида малакали кадрларни тайёрлаш бўйича таълим дастурига 300 млн евро ажратиш кўзда тутилган. Чунки яқин 10 йил ичида 500 минг кичик ва ўрта корхона раҳбарлари нафақа(пенсия)га чиқиши кутилмоқда.

Италияда ЕИ бўйича ўртача кўрсаткичлардан ошиб кетувчи кичик ва ўрта компаниялар (Италия конунларида банд бўлган ходимлар сони 10 кишидан ортиқ бўлмаган корхоналар кичик фирмаларга киради) мамлакат иқтисодиётини янгилашнинг асосини ташкил этади. Улар экспорт маҳсулотларини юқори даражали рақобатбардошлигини таъминлашга қодир эканлигини исботладилар.

Италияда монополистик капиталнинг тарихий кучсиз ўрни кооперативларни кенг ривожлантириш учун иқтисодий муҳит яратди. Саноати ривожланган кўпгина давлатларда ЯММни шакллантиришда кооперативларнинг улуши 3 фоиздан 5 фоизгачани ташкил этади. Италияда 1890 йилнинг ўрталарида бу кўрсаткич 10 фоизга етди. Ўша вақтда кооперативлар сони 131 тани ташкил этиб, аҳолининг 36 фоизи расмий рўйхатдан ўтказилган кооперативларда банд бўлган. Италияда кичик корхоналар бўйича ягона миллий сиёсат мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, сўнгги йилларда баъзи ижобий ўзгаришлар яққол намоён бўлмоқда.

Мазкур жараёни бошқарувчи асосий орган саноат, тижорат, савдо ва ҳунармандчилик вазирлиги ҳисобланади. Мазкур вазирлик билан

келишилган ҳолда кичик бизнес корхоналарига индустриал кредит банклари орқали ўрта ва узоқ муддатли кредитлар берилади. Сўнгги бир неча йил давомида Европа банки Ортали Фонди сармояларидан фойдаланиб “Медико кредит” ўз молиявий операцияларини анчагина кенгайтди. 600 дан ортиқ кишлоқ ва ҳунармандчилик банклари ҳам кичик корхоналарни молиялаштиришда муҳим рол ўйнади, уларнинг 60 фоизи ўз минтақаларида ягона кредит институтлари ҳисобланади. Маълум молиявий ёрдам минтақавий ҳукумат муассасалари орқали кичик фирмаларга тақдим этилади. Бироқ кредит беришда уларнинг роли қонун билан лимитлаштирилган. Шунинг учун ҳам уларнинг кичик корхоналар билан боғлиқ бўлган асосий фаолияти ишлаб чиқариш майдонлари ва инфратузилмасини тақдим этишдан иборат.

1980 йилларда Италияда рақобатбардошлиги тушиб кетаётган кичик корхоналарни технологик янгилаш учун қатор махсус чора-тадбирлар қабул қилинди. Янги ускуналар харид қилиш тўғрисидаги, юқори технологияли жиҳоз – ускуналар харид қилиш тўғрисидаги қонунлар уларнинг кўпчилигига ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларни жорий қилишга имкон берди.

Ўша вақтда амалий тадқиқотлар учун махсус фонд ташкил этилди, унинг маблағларидан саноатдаги НИОКР лойиҳалари молиялаштирилди, фонд бюджетининг 20 фоизи КБ(КК) эҳтиёжлари учун сарфланди. Имтиёзли молиялаштириш илмий-тадқиқот лойиҳалари ва ишланмаларидаги инвестицияларда иштироки асосида ёки инвестицияларни амалга ошириш бўйича кичик корхоналарнинг риск капитали кўринишида бажарилди. Юқорида қайд қилинганлардан кўриниб турибдики, кредитлаш Италияда кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Европанинг иқтисодий ривожланган давлатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият доирасини таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, кичик тадбиркорлик йил сайин кенгайиб бормоқда. Кичик ва ўрта корхоналарнинг энг катта улуши хизматлар

соҳасида, кишлоқ хўжалигида, саноат ва савдода кузатилди. Иқтисодий эркинлик, сиёсий танлаш имконияти ва юқори технологиялар соҳасидаги умумий таълим кўпгина ривожланган капиталистик давлатлар инновацион ишланмаларига, асбобсозлик, электроника, оптика ва ҳоказоларга махсуслаштирилган кичик корхоналарни ташкил этишга олиб келди.

Мазкур давлатлар ҳукумати кичик ва ўрта корхоналар (КЎК) мамлакатдаги ижтимоий масалаларни ечишда бош омиллигини янгилаган ҳолда, бундай корхоналарни ташкил этишни рағбатлантиришда янги воситаларни ихтиро этиб, кичик мулкчилик шаклини ривожлантиришда мақсадга йўналтирилган ва режали қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширмоқда. Европа иттифоқи комиссияси тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича Европа дастурини қабул қилди. У ЕИ (Европа Иттифоқи) давлатларида қонун чиқарувчи ҳукумат органлари, корхоналарнинг ҳаракатлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Дастурда корхоналарни ташкил этиш ва кенгайтириш учун янада қулай доирадаги шароитлар ишлаб чиқилган. Европада юзага келган вазиятнинг кўрсатишича, Европа давлатларидаги тадбиркорлар олдида ижтимоий ёзувлар банкротлик қоидаларини ўзгартириш воситасида бартараф этилиши мумкин бўлган хавфлар олдида қўрқув мавжуд. Агар банкротликка учраган ЕИ фуқороларига янги имкониятлар берилса, масалан, АҚШда нормал жараён деб ҳисобланса, унда умумиқтисодий ўсиш ва бандликни ошириш имкониятлари кенгаяди.

ЕИ ҳаракатлари дастурида айтилишича, ҳамжамиятлар ўз тадбиркорлик салоҳиятини тўлиқ намоён қилгани йўқ. Улар фуқороларни тадбиркор бўлиши учун етарли даражада рағбатлантирмапти: 47 фоиз европаликлар мустақил бўлишни афзал кўради, бироқ фақатгина 17 фоизи бу истакни амалда жорий қилади. 4 фоиз европаликлар сўнгги 4 йил ичида хусусий корхоналарни ташкил қилиш ёки асослаш босқичини ўтамоқдалар. АҚШда бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил қилади. Тез ривожланиш учун АҚШ фирмалари бозор имкониятларини таҳлил қилаётган бир вақтда, Европада

ишга доир кўпгина ғоялар ҳеч қачон ҳаётга татбиқ этилмайди ва бозорга чиқарилмайди. Уларнинг яроқлилиги маҳсулот бозорга умуман қандай тажрибадан ўта олишигача савол қилиб қўйилади: 44 фоиз европаликлар ва 29 фоизгина америкаликлар агар риск хавфи мавжуд бўлса фирмани ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайдилар. Оилавий фирмалар хизматчиларга ёки бегона шахсларга берилади. Кўпгина европаликлар эски фирмани олгандан кўра, янги фирмани ташкил этишни афзал кўрадилар. Шунинг учун қабул қилувчиларни топиш янада мушкул иш ҳисобланади. Мазкур вазиятда Европа Иттифоқининг мақсади кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашдан – солиқ ёки юридик сабаблар бўйича рақобатбардош корхоналарни ёпилиб кетилишига тўсқинлик қилишдан иборат. 2003 йилда Европа Иттифоқи комиссияси тадбиркорлик журъати тўғрисида “Яшил китоб”ни нашрдан чиқарди. Унда стратегик муҳим ҳисобланган қуйидаги бешта сиёсий жиҳатларга эътибор кучайтирилди: тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш; кишиларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш; уларнинг ўсиши ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида корхоналарни қўллаб-қувватлаш; кичик ва ўрта фирмаларнинг ишлашига имкон берувчи юридик ва маъмурий муҳитни яратиш.

Комиссия ишлаб чиққан янги йўналиш – барча мактабларнинг ўқув режаларига тадбиркорликка ўқитишни киритиш талабидир. Уларнинг молиявий ҳолатини тўғри баҳолаш имкониятига эга бўлиш, тадбиркорликнинг ўз-ўзини баҳолаш бўйича тестлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Маҳсулот сотиш, ҳамкорликда тадқиқотлар ишлаб чиқиши учун фирма гуруҳларини ташкил этиш, улар ўз ресурсларини бирлаштириши ҳамда стратегик информацияларга кириш имкониятини қўлга киритиши мумкин.

Ривожланган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни таҳлил қилиб шундай хулосага келишимиз мумкин: давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кичик

корхоналарнинг кейинчалик ўрта ва йирик компанияларга айланиши учун замин тайёрлашга, янги технологиялар, янги товарларни жорий қилишга, йирик корпоратив структураларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, йирик компаниялар етарли даражада сиғимга эга эмас деб ҳисоблайдиган янги бозорларни ўзлаштиришга, шу билан истеъмол товарлари турини кенгайтиришга ва айниқса, қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларидан ҳамда маҳаллий хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишга имкон беради. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ЯИМда 70 фоизгача тўғри келадиган саноати ривожланган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тармоқ структурасига инфратузилманинг ривожланиш даражаси, у ёки бу давлатдаги ва алоҳида минтакаларда амал қиладиган тармоқ ихтисослиги ва иқтисодий механизмлари кучли таъсир кўрсатади. Турли давлатларда хизматлар соҳасида, савдода, қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мустақкам позицияни эгаллаган. Кичик тадбиркорликнинг фаол диверсификацияланган сиёсати ишлаб чиқаришнинг янги соҳаларида амалга оширилмоқда; машинасозлик, энергетика, электротехника, кимё саноати, приборсозлик, ташувчи транспортлар ва коммуникациялар ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори технологияли бошқа соҳаларида кенг ёйилмоқда.

Мазкур давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган сиёсат шундан далолат берадики, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун пойдевор ҳисобланган кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши давлатнинг манфаатдорлигидан дарак беради. Чунки бундай корхоналар бизнеснинг янги шаклига ўтишга имкон беради ҳамда иқтисодиётдаги боғловчи бўғин, индикатор ролини бажаради. Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти нафақатгина миқдорий муносабатларда эмас, балки функционал муносабатларда, яъни ечиладиган ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг ҳажми бўйича ҳам муҳим рол ўйнайди.

1.3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш босқичлари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиш уни тарихан шаклланиш босқичларини аниқлаш масаласини ҳал қилишни тақозо қилади. Ушбу масалани ечишда Ўзбекистонлик бир гуруҳ олимлар ўз фикрларини билдиришган. Улар “Тадбиркорликни тараққий этиш нуқтаи назаридан: ривожланган, ривожланаётган ва ривожланмаган тадбиркорликка бўлишимиз мумкин. Ўтиш даври учун ривожланаётган тадбиркорлик хос бўлса, тараққий этган давлатларга ривожланган тадбиркорлик хосдир. Айрим мамлакатлар тараққиёти даражасидан келиб чиққан ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, уларда ривожланмаган тадбиркорлик ҳам мавжуддир³¹” - деб таъкидлашиб, тадбиркорликни ривожланишини уч даврга ва унинг учинчи даврини 1, 2 ва 3-4 (ушбу босқичлар бирлаштирилган) босқичларга бўлишни тавсия қилган.

Ушбу олимларни фикрини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, бизлар тадбиркорликни ривожланиш тараққиётини қўйидаги қоида асосида ўрганишни тавсия қиламиз. “Тадбиркорликни вужудга келиши, уни тармоқларга бўлиниши, тадбиркорликни бизнеснинг феномени сифатида шаклланиши (тадбиркорликни иқтисодий-ҳуқуқий асосларини яратилиши), тадбиркорликни иқтисодий фаолиятини ривожланиши”³². Тадбиркорликни иқтисодий фаолиятини ривожланиши ҳар бир давлатда уларни тараққиёт даврларига мос равишда рўёбга чиқади. Умуман классик нуқтаи-назардан иқтисодиётни ривожланиш давлари асосан тўртта фазани ўз ичига олади. Улар: биринчидан, кризис; иккинчидан, депрессия; учинчидан, тикланиш ва тўртинчидан, юксалиш. Ушбу фазалар тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига ҳам таъллуқли. Ушбу фазалар тадбиркорликни барча ривожланиш босқичларига тегишли. Ушбулар билан бир қаторда

³¹ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Ўқув қўлланма, муаллифлар жамоаси. Тошкент – “Фан ва технологиялар”- 2005. -Б. 9-11.

³² Муаллифнинг таклифи.

тадбиркорликни вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши босқичларини аниқлашда инсоният жамияти шаклланиш, ривожланиш давларини эътиборга олиш зарур.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорликни шаклланиши, уни тармоқларга бўлиниши инсоният жамиятини ривожланишининг XVII-XVIII асрларга тўғри келади. XIX асрга келиб тадбиркорлик бизнесни феномени сифатида намоён бўла бошлади. XX асрнинг бошларида бутун дунёда тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш тенденциялари кузатила бошлади ва XX асрга келиб тадбиркорлик фаолиятини юксалиш даври деб ҳисоблаш мумкин.

Мазкур даврни шартли равишда тўрт босқичга бўлиб тадқиқ қилиш лозим, деган хулосага келинди:

I-босқич 1991-2000 йилларни ўз ичига олади. Бу Ўзбекистоннинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий мустақилликка эришган даври бўлди. Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тавсияси билан Ўзбекистонда биринчи марта “Тадбиркорлик тўғрисидаги” (1991 йил 15 февралда) Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунни қабул қилиниши билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари яратила бошланди ва ҳозирги вақтгача улар такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади эркин бозор иқтисодиёти ва очик ташқи сиёсат ўтказувчи кучли ҳуқуқий давлат, демократик жамият куришдан иборат эканлигидан келиб чиқиб, 1992 йилнинг охирида ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулк ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси (Давмулкқўм) мамлакат ҳукумати билан биргаликда хусусийлаштиришнинг стратегияси ва йўналишини белгилаб чиқди.

Ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин тушиб кетишининг олди олингани ғоят муҳимдир. 1990-1993 йиллар давомида МДХ мамлакатлари бўйича

ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқаришининг ўртача кўрсаткичи 40,9 фоизни ташкил этгани ҳолда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг қисқариши фақат 14,4 фоизга тўғри келди. Бу давр республикада иқтисодий ислохотларнинг янги босқичига кўтарилганлиги билан характерланади. Улкан бунёдкорлик иши бошланиб, миллий тадбиркорликнинг азалий анъаналари тикланмоқда, бозор муносабатлари шаклланмоқда ва фаол ривожланмоқда, буларнинг ҳаммаси хусусийлаштириш билан боғлиқ ислохотлар стратегиясига жиддий тузатишлар киритилишига олиб келаётир³³.

Мулк масаласининг ҳал этилиши бозорни вужудга келтириш борасидаги барча тадбирлар тизимининг негизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида барча мулк шакллариининг тенглиги, ҳуқуқий муҳофазаси таъминланди, дейилган.

Хусусийлаштиришни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминлаш учун бир қатор қонунлар ва ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Уларда мулк шакллари, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бу ишнинг асосий қоидалари, амалга ошириш объектлари, шакллари, шарт-шароитлари ва усуллари, сотиб олиш тартиби ва бошқалар белгилаб қўйилди.

Республикада хусусийлаштириш босқичлари ҳукумат томонидан “оддийдан мураккаблик сари” қоидаси бўйича белгиланди.

Биринчи (1992-1993 йиллар) босқични савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ва кичик саноатни ўз доирасига олган кичик хусусийлаштирилиш ташкил этди.

Иккинчи (1994-1995 йиллар) босқичда оммавий хусусийлаштириш амалга оширилди, бу босқич енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноатини тайёрлов шохобчаларини, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналарини, шунингдек, саноатнинг база иншоотларини ўз ичига олади³⁴.

³³ Чжен. В.А. Хусусийлаштириш асослари. “Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. 1996.-Б. 6.

³⁴ Чжен. В.А. Хусусийлаштириш асослари. “Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. 1996.-Б. 8.

Ўзбекистонда дўконлар, ошхоналар, қаҳвахоналар, сартарошхоналар, корхоналар, тайёрлов идоралари, матлубот жамиятлари маҳаллий саноат корхоналари, хусусийлаштирилмаган биронта ҳам аҳоли манзилгоҳи қолмади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситаларининг бир неча юз минг янги мулкдорлари пайдо бўлди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат қудратининг ошишига, мамлакатда барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Президент Ислон Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёти йўлида”³⁵, (1992), “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”³⁶, (1993), “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”³⁷ ва бошқа асарларида, мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш йўлининг назарий ва амалий жиҳатларини асослаб, Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги стратегиясини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури³⁸ (Ўз Р ВМ 1995 йил 28 августдаги 344-сон қарори) ишлаб чиқилди. Бу Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, кадрлар масаласи, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва фуқоролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёс бўлмоқда.

2-босқич 2001-2006 йилларни ўз ичига олади. Бу вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалда шаклланди. Уларнинг

³⁵ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1-Т.: “Ўзбекистон”, 1996. -Б. 36-85.

³⁶ Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1-Т.: “Ўзбекистон”, 1996., -Б.140-146.

³⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1-Т.: “Ўзбекистон”, 1996. -Б.274-359.

³⁸ <http://uz.bir.uz>.

муваффақиятли ривожланиши учун шароит яратилди. Давлат томонидан тегишли ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида амалда мулкдорлар синфини шакллантириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этди. Шу боис, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш муҳим вазифа қилиб белгиланди. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида давлат томонидан “2002-2003 йилларда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастури” қабул қилинди³⁹.

Ушбу дастурни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатиغا олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 347-сонли қарори муҳим аҳамият касб этди. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг ўртача ойлик кўрсаткичи 2001 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди. 2002 йилда 47,2 мингта кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 2003 йил 1 январига келиб, 239,5 мингтага етди. Тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобига 2002 йилда 369,3 мингта янги иш жойлари яратилди.

Дастур асосида тадбиркорларга бўш бино ва иншоотлардан, ишлатилмаётган асбоб-ускуналардан фойдаланиш имконияти яратилди. 2002 йилда тадбиркорларга 5,8 мингта объект лизинг асосида ижарага берилган ва сотилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 5,8 млрд. сўмни ташкил этди. Ваҳоланки, 2001 йилда уларга атиги 2 мингтадан камроқ объектлар берилган эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларни самарали фаолият юритишга ўргатиш мақсадида Ахборот-консалтинг хизмати кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Улар 2002 йилда тадбиркорларга 164,1 млн. сўмлик хизмат кўрсатди. Бу эса 2001 йилдагига нисбатан 48 фоизга кўпдир.

³⁹ Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №2 8-9, 2003. -Б.54.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда бизнес инкубаторларнинг ролини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Дастур асосида 2002 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига 189,8 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларини йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Шу боис 2002 йилда бюджетдан ташқари фандларнинг пул маблағларини кредит линиялари бўйича йўналтириш 1,8 баробарга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган 1998 йил 9 апрелдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги фармонида қуйидагилар қўшилди:

2004 йилнинг 1 январидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қуйидагилар киради:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 5 киши бўлган микрофирмалар;
- енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноатида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 100 киши;
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлган аҳолининг ўртача йиллик сони кўпи билан 50 киши;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 25 кишидан ошмаслиги назарда тутилган.

XXI аср бошида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу ҳақда 2004 йилнинг бошида Юртбошимиз Ислом Каримов шундай деган эди. “Айни вақтда мамлакатимизда 250 мингга яқин кичик бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда, бу соҳада 5,5 миллион киши ёки иш билан банд бўлган одамларнинг 57 фоизи меҳнат қилмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келган. Биргина 2003 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 375 мингта янги иш ўрни ташкил этилди⁴⁰”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йилда чоп этилган “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”⁴¹ номли асарида “Бизнинг асосий ва узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқоролик жамияти куриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир⁴²” дейди. Президентнинг кўрсатмалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кафолат. “Муҳим устувор вазифа – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборат”⁴³.

⁴⁰ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12.- Т.: “Ўзбекистон”, 2004., -Б. 227.

⁴¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13.Т.: “Ўзбекистон”, 2005. -Б.174-223.

⁴² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13.Т.: Ўзбекистон, 2005. -Б.177.

⁴³ Ўша ерда, -Б.214.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз ички сиёсатининг устувор вазифаларидандир.

3-босқич 2007-2010 йилларни ўз ичига олади. Бу 2008 йил август ойида АҚШ Ипотека банки инқирози сабабли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланиши, Ўзбекистонда инқироз шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши, рўй бериши билан изоҳланади. Президентимиз И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида 2008 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳам барқарор ривожланганлигига алоҳида эътибор қаратилганлигини такидлашимиз лозим.

Бу босқичда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 2008 йил 1 январь ойидан бошлаб 10 фоиздан 8 фоизга, 2010 йилда 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айни пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омил яратди.


Натижада фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 2008 йили қарийб 400 мингтани ташкил этди. Бу ушбу кўрсаткичнинг сўнгги олти йил мобайнида 1,9 баробар кўпайганлигини билдиради.

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг салмоғи 2007 йилга нисбатан 2008 йилда 1,7 фоизга, шу жумладан саноатда – 1,3 фоизга, қурилишда – 3,4 фоизга, транспортда – 22,2 фоизга ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 9 фоизга ошди. Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари улуши 8,6 фоизни ташкил этди. Аммо ўз ўрнида айтиш керакки,

бу айрим ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан анча паст. Демак мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш зарур. Шунингдек, бу соҳанинг ривожини мамлакат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми 2008 йилда салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида 2008 йилда 37 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари, 119,6 мингга яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, таркибий ўзгартирилаётган монополист корхоналарнинг фойданилмаётган қувватларида турли мулкчилик шаклларига асосланган 130 та янги кичик корхоналар ташкил этилиб, уларда 7,5 мингга яқин иш ўринлари яратилди. 83 та банкрот корхоналар негизида 92 янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 9,8 мингга иш ўринлари яратилди.



2.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда⁴⁴

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши мамлакатда иқтисодий ўсиш бўйича қўшимча манбалар яратилишига, ижтимоий-иқтисодий муаммолар маълум даражада бартараф этилишига, ишчи кучи иш билан таъминланишига, миллий бойлик ортишига, аҳоли турмуш даражаси юксалишига, пировард натижада ўрта мулкдорлар синфи кўпайишига олиб келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иш жойларига талаб юқори бўлган давлатимиз учун энг кам харажат сарфлаб, янги иш ўринларини очиш, маҳаллий бозорларимизни маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли даромадларини ўстириш ва давлат бюджетига солиқ тушумлари тушиши манбаларидан бири бўлиб қолади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан ҳал этиладиган муҳим масалалардан яна бири аҳоли бандлиги даражасини ошириш ҳисобланади. Дарҳақиқат, тадбиркорлар маблағларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига киритар экан, даромадларини ошириш билан бирга жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам иш ва даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади. Мамлакатимизда бу борадаги фаолият кенгайиб бормоқда. Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги барча йил яқунлари бўйича қилинган маърузаларидан олинган

Хуллас, бу каби кўрсаткичлар Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “...биз учун энг ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив вазифасини бажарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида биз танлаган сиёсатнинг мутлақо тўғри ва узоқни кўзлаган ҳолда олиб борилаётганини такрор ва такрор исботламоқда”⁴⁵.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2008 йилдаги 13,9 фоиздан 2009 йилда 16,9 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 97,8 фоиздан 97,9 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 23,1 фоиздан 23,7 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмида 48,5 фоиздан 48,7 фоизга, экспорт ҳажмида 12,4 фоиздан 14,6 фоизга қадар ошди.

Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнамоқда. Жумладан, бу борада 2011 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 7 фоиздан 6 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди (2.2-расм).

2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши билан Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг *4 босқич* бошланди, деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур йилда узоқ муддатга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастури қабул қилинди. Шунга асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ва туманларида ушбу соҳани

⁴⁵ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохотлар ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. “Халқ сўзи”, 2008 й., 9 февраль.

ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари кўриломоқда. Ушбу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам модернизация қилишни давом эттириш эвазига уларни юқори технологик жараёнларни таъминловчи замонавий техникалар билан жиҳозлашнинг кўзда тутилганидир.

2011 йилнинг 24 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга кўра тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди ҳамда бу жараён янада очиқлик касб этди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробарга қисқартирилди. Ишчиларнинг йиллий ўртача сони 100 кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилди. Кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг миқёсда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Давлат ва назорат идораларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича чоралар қабул қилинди. Янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини янада ошириш учун, фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти учун янада кенгироқ қулайликлар яратиш;
- қишлоқ жойларида фермер хўжаликларига инвестициялар жалб этиш, маҳсулотларни қайта ишлаш учун замонавий мини технологиялар олиб кириш, янги иш ўринлари барпо этиш соҳаларида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш;
- шаҳар ва қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг турли хил тарихий ва анъанавий турларини ривожлантириш ва мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланиш асосида рақобатбардош хизматлар кўрсатишни жадаллаштириш;
- республика аҳолисининг 47 фоизини ёшлар ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда улар талаби ва эҳтиёжларига мос келадиган хизмат турларини (компьютер, интернет, фото ва гўзаллик салонларини, сартарош-хона ва бошқаларни) кенгайтиришга ҳукумат даражасида эътибор қаратиш;
- тадбиркорларга қонун йўли билан белгиланган кафолат ва имтиёзларни тушунтириш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш учун жойларда учрашувлар, ўқув семинарлари, малака ошириш курсларини ташкил қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва фаровонлик даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада жадал ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

II Боб. Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий ҳолати ва таҳлили

2.1. Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий ҳолати

Вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида, аҳолининг хизматларга бугунги кунда ўсиб бораётган эҳтиёжининг таъминланиши янада яхшиланишига, турмуш даражасининг ҳамда даромадларнинг ошишига олиб келмоқда.

Ушбу соҳани ривожлантириш бўйича Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар, яратилаётган кенг имкониятлар, берилаётган имтиёзлар натижасида сўнгги 3 йилда вилоятимизда 2648 та шаҳобчалар ташкил этилиб, ҳозирги кунда барча хизмат кўрсатиш шаҳобчаларининг сони 24901 тани ташкил этганлигини яққол мисол келтириш мумкин. 2012 йил якуни билан вилоят бўйича жами кўрсатилган хизматлар ҳажми 2010 йилга нисбатан **1,4 маротабага, ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматларнинг улуши эса 44,0 фоизни ташкил қилиб сўнгги икки йилда 2,7 бандга ошди ва ушбу соҳада банд бўлганлар сони 290 минг кишига етди.**

Айниқса, вилоятда транспорт хизмати, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати, туризм хизмати, молия ва банк хизматлари, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари соҳалари йилдан-йилга ривожланиб бориши кузатилмоқда.

Хизматларни ривожлантириш бўйича жорий йилнинг **17 апрелда мухтарам Президентимизнинг “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қушимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1957-сонли қарори асосида вилоят ҳокимининг 2013 йил 19 апрелда 92-Қ сонли қарори қабул қилинди ва ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Самарқанд вилоятида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш Дастури”** ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Мазкур дастурнинг ижросини таъминланиши натижасида жойларда, айниқса қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириши, хизматлар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш, замонавий юқори технологик ва бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади, бунинг асосида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадлари оширилиши кўзда тутилган.

Мухтарам Президентимизнинг мазкур қарори билан:

Қишлоқ жойлардаги давлат мулки бўлган фойдаланилмаётган бинолар ва хоналар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги корхоналар ҳамда объектларни ташкил этиш учун жисмоний ва юридик шахсларга:

- 2013-2016 йиллар даврида тегишли коэффицентларни қўлламаган ҳолда давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун **ижара тўловининг минимал ставкаси** бўйича ижарага бериш;

- давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда **“нол” қиймат бўйича** берилиши каби имтиёзлар берилди.

Шунингдек, қарорда 2016 йилгача бўлган даврда ўз вақтида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдиган, солиқ ва статистика органларига ҳисоботларни топширадиган, шунингдек ўсиш ва рентабелликнинг барқарор суръатларини таъминлайдиган қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатадиган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик **фаолияти текширувлардан озод қилиниши белгиланган.**

Бундан ташқари, мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли қарори билан белгиланган солиқ имтиёзлари татбиқ этиладиган хизматлар рўйхати (2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарорнинг 5-илоvasи)га қўшимчалар киритилди. Шу тариқа, энди 2017 йил 1 январгача қуйидаги **хизматлар:**

- қишлоқ жойларда кўрсатиладиган сартарошлик ва гўзаллик салони хизматлари;

- қишлоқ жойларда кўрсатиладиган кийим-кечак тикиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар;

- якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун солинаётган қишлоқ мавзеларида ташкил этилаётган кир ювиш бўйича корхоналар хизматлари;

- якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун солинаётган қишлоқ мавзеларида ташкил этилаётган кийимни кимёвий усул билан тозалаш (химчистка) корхоналари хизматлари;

- қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қуриш бўйича қурилиш хизматлари;

- қишлоқ жойларда йўл инфратузилмаси комплекслари хизматлари;

- қишлоқ жойларда кўрсатиладиган компьютер дастурлаш бўйича (шу жумладан, маслаҳатга оид) хизматлар **кўрсатаётган юридик шахслар фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод этилиши белгиланганлиги, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимизнинг сифатли хизматлардан фойдаланиш имконини кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.**

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича вилоятимизда ишлаб чиқилган Дастурга киритилган мақсадли параметрларга мувофиқ, **2016 йилгача:**

- вилоят бўйича жами 4556 та хизмат кўрсатиш шахобчалари, шундан 2102 таси қишлоқ жойлардаташкил этилиши,

- хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасига барча тижорат банклари томонидан **145,9 млрд.сўм кредит маблағлари** (шундан 63,3 млрд.сўми қишлоқ жойларга) **йўналтирилиши;**

- барча манбаалар ҳисобидан **79566 та янги иш ўринлари** ташкил этилиши, уларнинг **66281 таси ёки 83,3 фоизи қишлоқ жойларда** яратилиши белгиланган.

Ушбу ишларни амалга оширилиши натижасида **2016 йилга бориб, вилоятда хизматлар кўрсатиш даражаси 2 мартага оширилиши ва ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини 51,1 фоизга етказиш, вилоятнинг жами**

хизматлари ҳажмида қишлоқ жойлардаги хизматларининг улуши эса 49,3 фоизга етказилишига эришилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, дастур асосида хизмат кўрсатишнинг асосий соҳаларидан бўлган, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (шу жумладан, мобиль алоқа, Интернет тармоғи, телевизион кабель алоқаси, почта ва электралоқа билан таъминлаш хизматлари)нинг ўсиш суръатларини 2012 йилги кўрсаткичларга нисбатан ўртача 2 баравар, компьютер дастурлаш (шу жумладан, электрон таълим ва электрон маслаҳат) хизматларини эса 1,9 бараварга, молия хизматлари 1,9 бараварга, транспорт хизматлари 2,0 бараварга, қурилиш хизматлари 2,0 бараварга, технологик ускуналарни таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш, туристик хизматлар, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, маиший хизматлар, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа хизматлар турлари ҳам 1,9 - 2,1 бараваргача оширилиши мўлжалланган.

Аҳолига кўрсатилаётган хизматларни янада яхшилаш мақсадида, 4 та лизинг компаниялари филиалларини, 79 та махсус омонат кассалари, қишлоқ жойлардаги терминаллар сонини 6093 тага етказиш, 6 та терминалларни таъмирлаш шахобчалари, “Самтелеком” акциядорлик компанияси томонидан қўшимча 22 та база станцияларини ўрнатиш билан бирга CDMA мобиль алоқа стандартини ривожлантириш, 15 та почта алоқа бўлимларида замонавий электрон алоқа хизматларини ташкил этиш, 16 та қишлоқ почта алоқа бўлимларини мобил банк терминаллари билан таъминлаш каби хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилади

Шунингдек чора-тадбирлар комплексида қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бериш амалиётини кенгайтириш (22,1 миллиард сўм) ҳамда қишлоқ аҳолисига, айниқса мебель, электрмаиший ва бошқа уй-рўзғор товарлари учун тақдим этиладиган истеъмол кредитлари ҳажмини кўпайтириш назарда тутилган.

Вилоятимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, туризм хизматини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда жумладан Ургут туманида қишлоқ туризмини ривожлантириш мақсадида "Қоратепа" ҚФЙда туристлар дам олиши учун савдо ва маиший хизматлар инфратузилма объектларни ўз ичига олган дам олиш маскани, "Минг арча" дам олиш масканини реконструкция қилиш, "Омон-қўтон" қишлоғида ҳудудида туристлар учун дам олиш котежлари ва лагер ташкил этиш, Пастдарғом туманида меҳмонхона ва Оқдарё тумани ҳудудида Миллий автомагистрал бўйида туристлар учун кемпинг ташкил этиш белгиланган.

Мазкур Дастур бўйича жорий йилда хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўтган йилга нисбатан **17,9 фоизга** ўсиши, ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматлар улушини **45,6 фоизга**, шундан жами хизмат ҳажмида қишлоқ жойлардаги хизматларнинг улушини **47,5 фоизга** етказиш, барча манбаалар ҳисобидан **19,5 минг та** янги иш ўринлари яратилиши, тижорат банклари томонидан **31,4 млрд.сўм** кредит маблағлари ажратилиши ва **1093 та хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилиши белгиланган.**

Вилоятда 1-ярим йиллик якуни билан жами **1 триллион 592,5 млрд.сўмлик хизматлар** кўрсатилиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан **120,6 фоизни** ёки белгиланган прогнозга нисбатан **0,3 бандга ошиди** (*прогноз 120,3%*). Шундан, қишлоқ жойларда кўрсатилган хизматлар ҳажми **762,8 млрд.сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан **125,5 фоизга ошиб**, жами хизматлардаги улуши **47,9 фоизни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 2,0 бандга ошиди.**

Хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ошишига алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг **37,5 фоизга**, молия хизматларининг **33,1 фоизга**, транспорт хизматларининг **24,5 фоизга**, қурилиш хизматларининг **30,3 фоизга**, технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари **27,4 фоизга**, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари **28 фоизга**, туристик хизматлар **22 фоизга**, савдо ва умумий овқатланиш **21,2 фоизга**, маиший хизматлар **25,5 фоизга**, таълим

хизматлари **18,1 фоизга**, соғлиқни сақлаш хизматлари **30,6 фоизга** бажарилиши натижасида эришилди.

Дастурга кўра январ-июн ойларида вилоят бўйича 172 та (топширик 169 та) лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида **302 та** замонавий типдаги **шаҳобчалар фойдаланишга топширилиши** натижасида **1254 та янги иш ўринлари** ташкил этилди.

Жумладан: 72 та чакана савдо, 28 та умумий овқатланиш шаҳобчалари, 18 та кийим тикиш ва таъмирлаш, 22 та пойафзал тикиш ва таъмирлаш шаҳобчалари, 43 та сартарошхона, 17 та суръатхона, 12 та маиший техникаларни таъмирлаш устaxonаси, 17 та автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлаш устaxonалари ва 85 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилди.

Ушбу шаҳобчаларни ташкил этиш учун 17,4 млн. доллар миқдорида маблағлар сарфланиб, ушбу маблағларнинг 13,0 млн. доллари тадбиркорларнинг ўз маблағлари ва 4,4 млн. доллари тижорат банкларининг кредитларидан иборат бўлди.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасининг барча манбааларҳисобидан январ-июн ойларида 10596 та янги иш ўринлари ташкил этилган.

Хизматлар соҳасини янада ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг 2-ярим йиллигида қуйидаги ишларни амалга оширишимиз лозим:

-дастурга киритилган 791 та шаҳобчаларни, жумладан Ургутда 86 та, Самарқанд туманида 74 та, Самарқанд шаҳрида 71 та, Тайлоқда 56 та, Пастдарғомда 55 та, Каттакўрғонда 52 та, Иштихонда 49 та, Булунғурда 52 та, Пахтачида 49 та, Оқдарёда 49 та, Жомбойда 46 та, Нарпайда 41 та, Пайарикда 38 та, Нурободда 37 та хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ўз вақтида ишга тушириш орқали 1927 та янги иш ўринлари ташкил қилинишини таъминлаш;

- ушбу объектларни ўз вақтида ишга тушурилишини таъминлаш мақсадида жами 30,4 млн.доллари (23,2 млн.доллари тадбиркорларни ўз

маблағи, 7,2 млн.доллари тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига) миқдорида маблағлар талаб этилади.

- тижорат банклари томонидан хизматлар кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш соҳаларига ажратилиши кўзда тутилаётган имтиёзли кредит маблағларни биринчи навбатда қишлоқ жойларга йўналтириш;

- ташкил этилаётган шаҳобчаларда ишловчилар сонини аниқлаб уларни расмий рўйхатдан ўтишини таъминлаш;

- тегишли ташкилотлар билан ҳудудлардаги ҳар бир хизмат кўрсатувчи шаҳобчалар томонидан кўрсатилаётган хизматларни статистик ҳисоботларда акс эттирилишини таъминлаш;

- дастурда белгиланган прогноз кўрсаткичларини бажарилиши доимий мониторингини олиб боришни давом эттирамиз.

Шунингдек, вилоятдаги намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилаётган 28 та қишлоқ массивларида 2 та маҳалла гузари, 7 та савдо мажмуаси, 1 та бозор, 2 та нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, 6 та маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари ишга туширилади.

Бундан ташқари қишлоқ жойларда жойлашган касб ҳунар коллежларида 5 та уқув таълим соҳасидаги, 27 та йўловчи ташиш йўналишлари соҳасидаги, 20 та ахборот коммуникация соҳасидаги, 7 та туризм соҳасидаги ва 34 та молия-банк соҳасидаги лойиҳалар амалга оширилади.

Ушбу ишларни амалга ошириш натижасида, йил якуни билан хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 17,9 фоизга ўсиши таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 45,6 фоизни ташкил этишига эришамиз.

2.2. Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий ҳолати ва таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик 2013 йилда рўйхатга олинган жами кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг сони 43302 тани ташкил қилди.

Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 77,1 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич 2012 йилнинг шу даврида 75,9 фоизни ташкил этган.

Иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 82,0 фоизи (1112,9 минг киши)ни кичик бизнес ва тадбиркорлик секторида банд бўлганлар ташкил қилади. Банд бўлганларнинг 78,5 фоизи (868,1 минг киши) хусусий сектор ҳамда 17,6 фоизи (229 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 121,8 фоизга ўсди ва 1392,5 млрд. сўми (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 42,2 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 6,4 фоизга ўсиб, 3671,6 млрд. сўми (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98,4 фоизи) ташкил қилди.

Вилоят иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 48,3 фоизини кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан киритилган инвестициялар ташкил қилди. Қурилиш ишларининг 95,0 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг автомобил транспортида юк айланмаси 107,1 фоизга ўсди ва вилоят автомобил транспорти юк айланмасининг 94,1 фоизини, йўловчи айланмаси эса 112,7 фоизга ўсиб, умумий йўловчи айланмасининг 81,8 фоизини ташкил этди.

Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 52,1 фоизи ёки 2048,8 млрд. сўми (ўсиш 133,1 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 57,1 фоизи ёки 997,1 млрд. сўми (26,0 фоизга ўсган) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ташқи савдо айланмаси вилоят ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 56,4 фоизини ташкил қилди. Жорий йилда 121,7 млн. АҚШ доллари ёки экспорт умумий ҳажмидан 74,4 фоизи миқдорида маҳсулот экспорти ва 361,7 млн. АҚШ доллари ёки умумий импортнинг 52,2 фоизи миқдорида маҳсулот импорти кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилди.



2.2.1-расм. Самарқанд вилояти иқтисодиёт тармоқларида яратилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик бизнес ва тадбиркорлик улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2.2.1-жадвалда Самарқанд вилоятида 2013 йилнинг ялпи ҳудудий маҳсулотлари таркиби бўйича иқтисодий кўрсаткичлар келтирилган бўлиб, 2013 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7370,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 110,4 фоизга ўсган. Саноат маҳсулотлари 920,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 109,7 фоизга ўсган. Қурилиш соҳаси 576,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 118,6 фоизга ўсган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2420,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 106,4 фоизга ўсган. Транспорт ва алоқада 625,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 108,1 фоизга ўсган. Савдо ва умумий овқатланиш соҳаси 621,8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 114, фоизга ўсган. ЯХМда хизматлар ҳажми улуши 44,5 фоизни ташкил қилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

улуши 77,1 фоизни башкил қилган. Аҳоли жон бошига ЯХМ ҳажми 2159,8 минг сўмни ташкил қилган.

2.2.1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2013 йилнинг ялпи ҳудудий маҳсулотлари таркиби бўйича иқтисодий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми	млрд. сўм	7370,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	110,4
Саноат	млрд. сўм	920,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	109,7
Қурилиш	млрд. сўм	576,1
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	118,6
Қишлоқ хўжалиги	млрд. сўм	2420,1
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	106,4
Транспорт ва алоқа	млрд. сўм	625,6
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	108,1
Савдо ва умумий овқатланиш	млрд. сўм	621,8
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	114,0
Бошқалар	млрд. сўм	2049,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	113,0
Солиқлар	млрд. сўм	156,5
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	112,1
ЯХМда хизматлар ҳажми улуши	%	44,5
Кичик бизнес улуши	%	77,1
Аҳоли жон бошига ЯХМ ҳажми	минг сўм	2159,8

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди

2.2.2-жадвал

Самарқанд вилоятида 2013 йилнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Қурилиш ишлари	Чакана савдо айланмаси	Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш
<i>Вилоят бўйича</i>	42,2	98,4	95,0	52,1	57,1
<i>шаҳарлар</i>					
<i>Самарқанд ш.</i>	26,3	95,5	91,9	62,0	48,9
<i>Каттақўрғон ш.</i>	31,5	99,4	77,2	43,2	62,4
<i>туманлар</i>					
<i>Оқдарё</i>	52,3	99,3	71,1	61,4	71,9
<i>Булунғур</i>	100,0	99,9	94,9	46,2	68,2
<i>Жомбой</i>	18,0	99,3	100,0	57,9	69,0
<i>Иштихон</i>	42,2	100,0	99,9	46,1	56,6
<i>Каттақўрғон</i>	31,2	94,6	100,0	47,0	57,0
<i>Қўшробот</i>	100,0	99,4	100,0	34,4	74,4
<i>Пайариқ</i>	37,1	99,9	100,0	60,0	62,7
<i>Пастдарғом</i>	51,4	99,0	99,8	40,7	53,9
<i>Пахтачи</i>	35,2	99,6	100,0	27,6	67,9
<i>Самарқанд</i>	74,1	90,5	99,5	49,2	61,2
<i>Нарпай</i>	27,9	99,6	98,5	40,9	64,8
<i>Нуробод</i>	100,0	96,2	90,3	29,3	57,7
<i>Тайлоқ</i>	100,0	99,8	100,0	68,3	50,2
<i>Ургут</i>	89,5	99,9	99,1	63,8	57,1

**Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотларидан
фойдаланилди**

2.2.3-жадвал

2013 йилда Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Микдори
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар жами	млн. сўм	535232
шундан: қисқа муддатли	млн. сўм	165922
узоқ муддатли	млн. сўм	369310

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди

2.2.3-жадвал маълумотларида кўринб турибдики, 2013 йилда Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар келтирилган бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар жами 2013 йилда 535232 млн. сўм ажратилган бўлиб, шундан қисқа муддатли кредитлар 165922 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, узоқ муддатлиси 369310 млн. сўмни ташкил қилган. бу эса ўз навбатида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши учун давлат томонидан ярати берилган шарт-шароитлардир.

2.2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида 2013 йилнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг сони (Дехқон ва фермер хўжаликларисиз) келтирилган бўлиб, вилоят бўйича жами рўйхатдан ўтганлар сони 14218 та, шундан фаолият кўрсатаётганлари 12648 тадан иборат. Фаолият кўрсатмаётганлари сони 1570 тадан иборат. 2013 йилда ташкил топганлар сони 1832 тадан иборат.

2.2.4-жадвал

Самарқанд вилоятида 2013 йилнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг сони

(Дехқон ва фермер хўжаликларисиз)

Кўрсаткичлар	Рўйхатда н ўтган	Фаолият кўрсатаётган	Фаолият кўрсат- маётган	2013 йил	
				ташкил топди	туга- тилди
Жами	14218	12648	1570	1832	1361
<i>тармоқлар</i>					
Саноат	2980	2659	321	551	268
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	1307	1145	162	150	112
Транспорт ва алоқа	388	354	34	63	37
Қурилиш	1590	1371	219	203	173
Савдо ва умумий овқатланиш	4855	4250	605	554	507
Бошқа соҳалар	3098	2869	229	311	264

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди

2.2.5-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Самарқанд вилоятида 2013 йилдаги меҳнат ресурсларининг сони келтирилган бўлиб, вилоят бўйича меҳнат ресурслари 1988,0 минг кишини ташкил қилган бўлиб, ўртача иқтисодиётда банд аҳоли сони 1357,3 минг кишини ташкил қилган бўлиб, шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида банд аҳоли сони 1112,9 минг кишини ташкил қилган. бундан кўришиб турибдики иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 82 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тўғри келмоқда.

**Самарқанд вилоятида 2013 йилдаги меҳнат ресурсларининг
умумий ҳолати**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Меҳнат ресурслари	<i>минг киши</i>	1 988,0
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача сони	<i>минг киши</i>	1 980,5
Ўртача банд аҳоли сони	<i>минг киши</i>	1 357,3
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида банд аҳоли сони	<i>минг киши</i>	1 112,9
<i>ш.ж.</i> кичик корхоналарда банд аҳоли сони	<i>минг киши</i>	42,2
микрофирмаларда банд аҳоли сони	<i>минг киши</i>	196,8
Жами иқтисодиётда банд аҳоли сонидан кичик тадбиркорлар улуши	%	82,0
Ўртача ойлик иш ҳақи	<i>сўм</i>	904 875,9

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди

**2.3. Самарқанд вилоятида хизмат курсатиш соҳасида кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорликни ривожланишда бозор инфратузилмасини ўрни**

Бозор иқисодиёти шариотида тадбиркорликни ва унинг фирмасини боҳолаш учун қўйидаги кўрсаткичларга эътибор бериш керак:

1.1. Рақобатчилик, яъни ходимларнинг ушбу фирма маҳсулоти сифатини, баҳосини, сервис хизматларини ҳисобга олган ҳолда билдирадиган фикри.

Рақобатчиликни иккита кўрсаткич орқали ифодалаш мумкин:

- а) муайян товарни сотишга фирманинг бозордаги ҳиссаси ва унинг улуши.
- б) корхонанинг рентабеллиги, яъни корхона фойда даражасининг тармоқ бўйича ўртага фойда даражасидан фарқи.

2.2. Фирмани хизмат курсатишнинг ва тайёр маҳсулотнинг техникавий даражаси. Бу даражада фирма фаолият юритаётган бозорда иш олиб борган

бошқа фирмаларнинг муддий – техника негизи ва маҳсулотнинг такомиллашганини солиштириш орқали аниқланади.

Ишлаб чиқаришнинг илмий – техникавий даражаси келажакда рақобатчиликни ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади, чунки рақобатқобилликни ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади, чунки рақобатқобиллик ҳозирги кунни ифодловчи кўрсаткич бўлса, илмий – техникавий даражаси истикболида ривожланиш шароитини яративчи омил ҳисобланади. Шундай экан, ишлаб чиқаришнинг илмий – техникавий даражасини қандай кўрсаткичлар ифода этади? Бу кўрсаткичлар:

1. Юқори навли маҳсулотларнинг умумий маҳсулотлар ичидаги ҳиссаси.
 2. Маҳсулотларнинг техник иқтисодий кўрсаткичлари. Уларнинг асосийлари:
 - маҳсулотнинг кўзланган талабини қондириса олиш, истеъмол қиймати;
 - техникада ишлаб чиқариш мулкнинг ва унинг унумдорлиги;
 - дастлабки таъмирга қадар кафолатландан хизмат муддати;
 - чидамлилиги бетўхтоб ишлай олиши эҳтимоли ва бошқалар киради.
 3. Сертификатлаштирилган меҳант қуролларининг ҳиссаси.
 4. Меҳант қуролларининг ўртача ёши, ўртача эмирилиши, эскириш даражаси.
 5. Сертификатлаштирилган хом – ашё ва материаллани ҳиссаси.
 6. Ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси.
 7. Меҳнатнинг қуроланиш даражаси, яъни ўртача битта иишчига тўғри келадиган асосий фондлар актив қилишнинг суммаси.
 8. Меҳнатнинг энергия билан қуролланиш даражасидан иборатдир.
- 3.3. Корхоналарнинг бозордаги мавқеини қўйидаги кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин;
- а) Корхона фойдасининг унинг сармояга нисбаттан даражаси, яъни фойда нормаси.

б) Корхона активларининг даромадлигини, яъни фурма ялпи даромадининг ўргача 1. Сўмлик активларга қанчадан тўғри келиши;

к) Корхона томонидан фойдаланаётган активларнинг жами активлардаги ҳиссаси;

д) Корхона активлардаги унинг хусусий активларининг ҳиссаси.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қўйидаги кўрсаткичлар мажмуйидан фойдаланиш мумкин;

- корхона фаолият юритаётган бозорда товарларига бўлган талабларнинг қондириш даражаси, маҳсулот этказиб бериш шартномаларининг корхона томонидан бажарилиши;

- корхонада ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, учун чиқарилаётган маҳсулот сифати ва самарадорлиги, унинг чиқарилаётган маҳсулот сифати ва самарадолиги, унинг бошқа бозорлардарақобатқобиллиги ҳисобланади;

- корхона рентабеллиги (якуний кўрсаткич)

- корхона жамоасининг ижтимоий аҳолини 1 та ишчилар тўғри келасдиган даромад суммаси ва бошқа кўрсаткич орқали ҳисоблаш мумкин.

Тадбиркорликни ривожлантиши учун қўйидаги шарт – шароитлар талаб этилади:

1. Мулк - муносабатларининг уйғунлашуви. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк муносабатлар уч жиҳат билан белгиланади:

- егалик қилиш, яъни мулк эгаси сифатида мулкка тўлиқ юкумронлик қилиш: сотиш, ижорага бериш, ҳадя этиш;

- фойдаланиб туриш, яъни мулк эгасини назорати асосида маълум шат ва тўлов эвазига мулкдан вақтинча фойдаланиш;

- оператив – тезлор бошқаришни, яъни мулк эгасини назорати остида ресурсларни тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича мулкни бошқариш ҳуқуқини ташкил этиш;

2. Тадбиркорлиарга ўз қобилиятларини тўла намоёт этиш учун қўйидаги иқтисодий эркинликларнинг берилиши;

- маҳсулот ассортименти турларини ва ишлаб чиқариш усулини танлаш эркинлиги;

- ҳамкорларни мустақил танлаш;

- Маблағларни қонунга зид бўлмаган соҳаларга лойиҳаларга мустақил сарфлаш эркинлиги.

3. Озорнинг очиқлиги, яъни, товарлар, сармоялар, маълумотлар иш куни, хом – ашёнинг ҳаракати учун сунъий товарларнинг йўқлиги чекловларининг жорий этилмаганлиги.

4. Бозор инфраструктурасининг мавжудлиги, шаклланганлиги. Бунга қўйидагилар киради;

- Тижорат банклари;

- Товар, фонд, меҳнат ва валюта биржалари;

- Тижорат таваккалчилиги ва мулкнинг суғуртаси;

- Маълумот ва реклама манбалари; оммавий ахборот воситалари, алоқа воситалари;

- Экспорт бюрolari, сертификати марказлари, турли маслагантхоналар, натариял идоралар, божхоналар, солиқ назорати ташкилотлари, арбитражлар ва ҳоказо.

5. Тадбиркорлик учун ҳуқуқий кафолатнинг мавжудлиги, тадбиркорликни ҳимояловчи қонунчиликнинг мавжудлиги, монополияга қарши қонунчиликнинг таъсири, тадбиркорликка давлат томонидан берилган ҳуқуқ, мажбурият ва бурчининг, эркин, имтиёз ва масъулиятнинг қонулаштирилганлиги ва амал қилиши.

6. янги корхоналарга кадрлар таёрлаш, кредит олиш, солиқ тўлаш, табиий бойликлардан фойдаланиш бўйича давлат томонидан берилган имтиёзлар ва бошқалар.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги шарт – шароитларни яратиш давлат ва давлат органлари масъулиятдаги иш ҳисобланади. Ҳар қандай фаолиятни лойиҳалаш, амалга ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган ишлар мажмуаси мнержмент деб аталса, учбу соҳани касб қилган

бошқарувчилар менежерлар бейилади. Менежмент ҳам оддий, ўзгармас соҳа эмас. У ғоят мураккаб ва хилма – хил бўғинлардан, босқичлардан иборат, ташкил этиш усулларига кўра менежментнинг;

- ишлаб чиқариш (товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш);
- илмий техникавий (сармоялар, қимматбаҳо қоғозлар, валюта бозорида иштирок этиш);

тадбиркорликнинг ташкилий асосини фирмалар ва фермер хўжаликлар ташкил этади. Улар муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки хизмат кўрсатишга мослашади.

Мерманинг бошланғич вазифаси – менежмент стратегиясини келажак учун бош йўналишини, мақсадни ва унга эришиш йўллари танлашдир. Ишлаб чиқариш ва савдо менежменти мақсадига минимал харажат сарлаб ксаяртнома асосида келишилган муддатда товарлар ишлаб чиқариш ёки товар маҳсулотларини этказиб бериш ҳамда хизмат кўрсатишдан кўпроқ фойда олиш киради. Менежер учун қийинчилик туғдирувчи масалаларининг энг асосийларига қўйидагилар киради; компьютер ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиб, бориш учун қўл келадиган кўрсаткичларининг энг зарурларини танлаш;

- Фирма бошқарувчининг энг самарали таркибини юзага келитириш.
- Маҳсулот сифатини бошқариш, белгиланган стандартдан, андозадан маҳсулот сифатини четланиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш;
- Ишлаб чиқариш воситаларини энгиллаб тириш ва хомашё билан ишлаб чиқаришни бетухтов таъминлашни ташкили ҳамда захираларни бошқариш .

Замонавий менежер ўзаро алоқадор нарса ва ҳодисаларни омиллар ва натижаларни ҳамкорликда таҳлил этиш, ўзи тутган йўлни келажакда қандай натижаларга олиб келишини тахминлай олиши, вазиятни ўзгаришига қараб қарорларни олиши, вазиятни ўзгаришига қараб қарорларини тайёрлаш

сирларини билиши керак. Тижорат менежменти – фирманинг тижорт фаолиятини бошқариш тизими бўлиб, харидорлари бериш ҳамда сервис хизматини кўрасатиш режаларини талабга қараб мослаштиришни ўз ичига олади.

Тижорат менежментида асосий фаолиятдан тушган фойда сарфланган сармоялар ҳажми, таваккалчилик хавфининг даражаси, зарур ишлаб чиқариш воситталари билан фирманинг таъминланганлиги, рақобатчиларнинг бозордаги ўрни ва кўрсаткичлар асосий аҳамиятга эга. Товари андозасини яратишдан тортиб уни ишлаб чиқариш, сотиш ва сотувдан кейин хизмат кўрсатишгача бўлган мураккаб бошқарув ичлари маркетинглар иши бўлиб, кўйидагиларни ўз ичига олади;

- бозорни ўрганиш, харидорлар талабини, даромадларини, баҳолар даражасини келажак учун аниқлаш
- лойиҳаловчиларга баҳолар лимитини ва техник вазифаларни бериб, товар андозасини яратиш бўйича буюртма бериш;
- реклама, турли кўргазмалар ташкил этиш, буюртмачиларга маълумотлар жўнатиш орқали бозор учун янги маҳсулотни шакллантириш;
- шартномалар тузиш, ишлаб чиқаришни бошлаб ива маҳсулотни янада такомиллаштириш чораларини кўриш;
- товар экспедицияни ва сотилишини ташкил этиш;
- истеъмолчиларга сервис хизмат кўрсатиш; таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар этказиб бериш ҳамда улардан қойдаланиш бўйича маслаҳат бериш ва бошқалар;

Тижорат менежментидан товар этказиб беришнинг энг рационал вариантларини танлаш талаб этилади. Тигишли пай ва кириш бадалини тўсаган боситачилик фирмалари, чакана савдо ташкилотлари ва бошқалар биржа савдосида иштирок этишлари мумкин. Молиявий менежмент фирманинг молиявий масалаларига раҳбарлик қилишдан иборат. Ушбу масалаларга даромадларни шакллантириш, солиқларни вақтида тўлаш,

ссудалар ҳамда газ, сув, электр энергияси, комунал ва алоқа хизматлари учун ҳақ тўлаш, дивидентлар тўлашини бошқариш, валюта билан боғлиқ жараёнларни бошқариш кабилар киради. Фирманинг молиявий ҳолаги молия мннежмлнтининг самарадоригига бевосита боғлиқ. Фирмада молия мннежмлнти молиявий мннежер томонидан амала иширилади. Молиявий мннежер фирма активлари ва пасивлари, даромадлари ва харажатлари балансини ишлаб чиқади, фойдани тақсимлаш ишлаб чиқади.

**III Боб. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликни ривожланиш истиқболлари ва хавфсизлигини
таъминлаш масалалари**

**3.1. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ривожланишида эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг
объектив зурурлиги**

Ҳозирги даврда саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда турли мақсадларни кўзлаб эркин иқтисодий зоналар ташкил этилмоқда. Эркин иқтисодий зоналарни давлат ҳудудининг муайян натижаларга эришиш мақсадида миллий ва хорижий тадбиркорлар учун иқтисодий фаолиятнинг преференциал шартлари, бошқарувнинг алоҳида режим ва бошқа ташкилий маъмурий тадбирлари жорий этиладиган қисми сифатида таърифлаш мумкин. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналар чегараларини кенгайтириш ва иқтисодий фаолият шартларининг ўзи билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлиб, бошқа хўжалик соҳалари, тармоқлари, ҳудудларга ёйиш лаёқатига эгадир. Уларда қўлланиладиган иқтисодий қоида, махсус маъмурий қонунлар, маълум юридик ва хўжалик режимидан батамом холи қилиб қўймасдан, балки уларни осонлаштиради, тадбиркорликни рағбатлантирадиган имтиёзларни яратади. Давлат ушбу зонанинг ўз аралашуви доирасини қисқартиради. Ривожланаётган мамлакатлар учун махсус иқтисодий зоналар ўзининг ҳудуди жиҳатидан бошқалардан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- ишчи хизматчиларининг турмуш даражасининг ишлаб чиқариш салоҳиятига мужассам жойлашганлиги билан кўпроқ тўғри келади;
- ҳозир жаҳонда 4 мингдан ортиқ эркин иқтисодий зоналар мавжуддир. Улар турли вазифаларни бажариши аниқ мақсад қилиб қўйилган;
- махсус имтиёзлар, барқарор қонуний база ва ташкилий муолажаларни соддалаштириш туфайли хорижий капитални ва илғор технологияларни жалб этиш;

- тайёр махсулот экспортини кенгайтириш учун меҳнат тақсимоти афзалликларидан фойдаланиш;
- мамлакат ва минтақа бюджетига валюта тушумининг ўсиши;
- янги иш жойларини яратиш;
- ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаш соҳасида жаҳон тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш ҳисобидан иш кучи малакасини ошириш.

Эркин иқтисодий зоналар ишлаб туришини таъминловчи хорижий инвесторлар бир қатор афзалликларга эга бўладилар: имтиёзли солиқлар, миллий бозорга кириш, кам унумли чиқимларни таъминлаш, шу жумладан, арзонроқ иш кучи ҳисобидан қоплаш, пасайтирилган фоиз ставкалари бўйича молиялаш имкони, ерга мулкчилик ҳукуқи ва ҳоказолар.

Эркин иқтисодий зоналар жаҳон миқёсида миграция қилиб юрган капиталлар учун "қопқон" вазифасини ўтайди. Хорижий капитални миллий иқтисодиётга жалб қилишдан ташқари саноат эркин иқтисодий зоналарини яратилишини уч асосий вазифа билан боғлайдилар:

- саноат экспортини рағбатлантириш ва бунинг асосида валюта маблағларини қўлга киритиш;
- бандлик даражасини ошириш;
- ҳудудлардан хўжалик юритишнинг янги методларини жорий қилиш учун синов майдони сифатида фойдаланиш.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам эркин иқтисодий зоналар тузишдан мақсад илгари иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган туманларни ривожланаётган туманларга айлантириш бўлган. Давлат ҳудудида чет эл инвесторларини жалб қилиш, уларнинг фаолият кўрсатишлари учун қулай шароит яратиш йўли билан иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ҳам асосий мақсад ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зона – аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

Эркин иқтисодий зона минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузилади.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар молиявий ва бошқа фаолиятнинг исталган тури билан шуғулланишига йўл қўйилади.

Дунёнинг турли давлатларида *эркин иқтисодий зона* турлича талқин қилинади. Масалан, Хитой Халқ Республикасида эркин иқтисодий зона “Эркин денгиз бўйи шаҳарлари” (14 та), “Иқтисодий ривожланиш туманлари” деб аталса, Туркияда “Эркин савдо зонаси”, Японияда “Технополис”, Россияда “Эркин иқтисодий зона”, “Эркин тадбиркорлик зонаси”, “Эркин савдо зонаси” деб юритилади.

Умуман олганда, эркин иқтисодий зона у ёки бу давлатнинг маълум бир ҳудудий-хўжалик ёки маъмурий-ҳудудий бирликларига нисбатан олиб бориладиган сиёсати билан белгиланади.

Кейинги йилларда дунёнинг кўпгина давлатларида эркин иқтисодий зона кенг тарқалиб бормоқда. 2000 йилнинг бошида 4500 дан ортиқ ҳар хил очик иқтисодий зоналар мавжуд бўлган.

Марказий ва Жанубий Америкада, Африка контингентининг бир қисмида, Жанубий-Шарқий Осиёда, Тинч океани минтақаси давлатларида ҳамда Европа давлатлари ҳудудларида очик иқтисодий зоналар фаолият кўрсатмоқда.

Эркин иқтисодий зоналарни белгилаш ва тузиш қўйилган мақсадга боғлиқ. Агарда ривожланган давлатларда эркин иқтисодий зоналарни тузишдан мақсад асосан халқаро савдони ривожлантириш бўлса, ривожланаётган давлатларда эса хом ашёни қайта ишлашни ташкил қилиш асосий мақсад ҳисобланади.

Ўзбекистонда 1996 йилда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” Қонун қабул қилинган. Мазкур қонунда:

- эркин иқтисодий зоналар;

- эркин савдо зоналари;
- эркин ишлаб чиқариш зоналари;
- эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин, деб кўрсатиб қўйилган.

Бу эркин иқтисодий зонани тузиш хусусиятини, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асосий омил бўлиб ҳисобланган.

МДХ давлатларида эркин иқтисодий зонани тузиш чет эл капиталини жалб қилишни, янги технологиянинг импортини таъминлайди. Охир оқибатда мамлакат иқтисодий потенциалини оширади, унинг дунё хўжалигига тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида интеграциялашувини таъминлайди.

Амалиётда эркин иқтисодий зоналар қуйдаги аниқ принципларга риоя қилган тақдирдагина самарали ишлаши мумкинлиги тасдиқланаяпти:

а) ҳар қандай эркин иқтисодий зона мамлакатнинг мустақил хўжалик бирлиги сифатида тузилиши ва ўз фаолиятини ўз бюджети асосида қуриши лозим;

б) эркин иқтисодий зона бюджетининг даромад қисми қуйдагилардан иборат бўлиши керак:

- эркин иқтисодий зона ҳудудида жойлашган корхона, бирлашма ташкилотлар ва у ҳудудда яшайдиган кишилардан тушадиган солиқлар;

- божхона йиғимлари, мустақил тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган тушумлар;

- ҳомийлик маблағлари;

- эркин иқтисодий зона эҳтиёжларига узоқ муддатли кредит шаклида бериладиган давлат бюджети маблағлари;

в) эркин иқтисодий зона давлат томонидан бериладиган субсидияларсиз, дотацияларсиз фаолият кўрсатиши керак;

г) эркин иқтисодий зона ҳудудидан йиғилган барча солиқлар ва бюджетга тўловларни ҳудудий бошқармалар ихтиёрида қолдириш лозим.

1990 йилнинг охирларида Ўзбекистон Республикасида Жиззах, Зомин ва Сергелида эркин иқтисодий зона тузиш бўйича лойиҳалар тузилган эди. Улар қатор молиявий, ижтимоий ва техник қийинчиликлар туфайли амалга оширилмади. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 02.12.2008 й. N ПФ-4059 Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида ва 2013 йилнинг 21 феврал - «Ангрен» индустриал эркин зоналарни ташкил этиш тўғрисида фармонлари чиққан.

Бизнинг фикримизча, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Самарқанд вилоятининг саноат салоҳиятини, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Қарши шаҳри ҳудудида "Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш лозим. Бунинг учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд.

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши - замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модулар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқариш бўлиши мумкин.

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этиши, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин.

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолияти қуйидаги тартибда амал қилинишини кўзда тутиш лозим:

Эркин индустриал-иқтисодий зона фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқороларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишининг, шунингдек улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши.

Алоҳида юридик тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилиши.

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларида ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши.

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилиши.

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага беришнинг тақиқланиши.

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), республика йўл жамғармаси ва мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилиши:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача - 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача - 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланиши;

30 миллион евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланиши.

"Самарқанд"да шундай тартиб белгиланиши керакки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилиниши лозим бўлиши.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши зарур.

Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилиши назарда тутилиши лозим:

улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудига хорижий валютада амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш.

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирувчи ҳужжатлари татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилиши (акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно).

"Самарқанд" вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси, Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

маълум муддатда Вазирлар Маҳкамасига ЭИИЗни жойлаштириш учун зарур бўлган ер майдони бўйича, унинг чегаралари аниқ кўрсатилган ҳолда, таклифлар киритиш;

маълум муддатда, танланган ер участкаси маъқуллангандан кейин, уни эркин индустриал-иқтисодий зона яратиш мақсадида белгиланган тартибда ажратилган, уни зарур кадастр материаллари билан расмийлаштирилган ҳамда ЭИИЗ Маъмурий кенгашига у фаолият кўрсатадиган муддатга фойдаланиш ва бошқариш учун бериши;

маълум муддатда мазкур зона ҳудудини барпо этишнинг, шу жумладан, зарур муҳандислик коммуникациялари ва сервис хизматларини ташкил этишнинг дастлабки режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун қўйидагиларни тавсия этамиз:

эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Бош режасини ва зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлашни кўриб чиқиш;

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида тегишли давлат органи томонидан қарор қабул қилиш;

Самарқанд вилоятидаги эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тезкор бошқариш ва давлат томонидан тартибга солиш вазифаларини амалга ошириш учун ЭИИЗнинг Маъмурий кенгашини ташкил этиш;

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тартибга солувчи норматив-юридик ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаш;

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгаши Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИЗ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компанияни танлаш ва унга шартнома асосида ЭИИЗни бошқариш;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг мустақил бюджетини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИЗни ривожлантиришнинг тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга маблағларни ажратиш масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқи берилиши лозим.

3.2. Аҳоли турмиш даражасини юксалтиришда мустақиллик йилларда амалга оширилган асосий ислохатлар натижалари ҳамда истиқболлари.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохатларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг барқарор суръатларини ошириш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

Президентимиз аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди:

- аҳолининг реал даромодларини ошириш;
- иш билан бандлик даражасини ечиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш;
- давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш.

Энди аҳоли фаровонлигини оширишнинг устувор йўналишларига тўхталиб ўтамиз.

1. Аҳолининг реал даромодларини ошириш. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охириги йилларда халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминламоқда.

Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромодлари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2017 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг январь ойида 1162,6 долларга етди.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромодлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2011 йилда 1991 йилга нисбатан АҚШ доллари қийматида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади. Пул даромодларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламларининг ўртача даромодларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари дароидларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромодлари даражасидаги тафовутни акс эттирадиган Жини коэффиценти 1991 – 2011 йилларда 0,40 дан 0,29 гача пасайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга мос келади.

2. Иш билан бандлик даражасини ечиш. Аҳоли фаровонлигини ошириш ва бандлик масаласини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни катта. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини яратаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа масалаларда имтиёзлар берилмоқда; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда; аҳолини иш юилан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, касаначилик,

оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда; аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламлари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди; давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этилмоқда; ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда. Жумладан, 2013 йилда 972,7 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда⁴⁶. Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушуриш, ишлаб турган корхоналарини реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини кучайтириш ҳисобидан ташкил этилди.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 28 та олис туманга алоҳида эътибор берилади. 2013 йилда бу ҳудудларда камида 126 мингта янги иш ўрни ёки 2012 йилдагидан беш фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Иш ўринларига бўлган эҳтиёжга демографик омил сезиларли ва бевосита таъсир ўтказишни давом эттирмоқда. 1985 – 1990 йилларда туғилиш юқори даражада бўлиб, ўша даврда 37 промиллени ташкил этгани, яъни ҳозирги вақтдагига нисбатан 1,7 баробар кўп бўлгани натижасида меҳнатга лаёқатли ёшга кираётган аҳолининг илдам ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда.

3.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 17365,5 минг кишидан 18329,5 минг кишига кўпаяди. Бу даврда иқтисодий фаол аҳоли сони 6,1 фоизга кўпаяди ва прогноз қилинаётган даврда унинг меҳнат ресурслари таркибидаги улуши 74,3 фоиздан 74,5 фоизга ортади.

⁴⁶ 2013 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури.

3.2.1-жадвал**Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг истиқбол
кўрсаткичлари, минг киши⁴⁷**

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар		
		2013	2014	2015
1.	Меҳнат ресурслари сони	17365,5	17841,0	18329,5
2.	Иқтисодий фаол аҳоли сони	12929,9	13275,8	13658,0
3.	Иш билан банд аҳоли сони	12303,1	12644,2	13014,1
4.	Ишсизлар сони	626,8	631,6	643,9
5.	Ишсизлик даражаси, фоизда	4,8	4,8	4,7

2013 йилда иш ўринларига бўладиган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансига, шу жумладан, демографик вазиятга, миграция жараёнларига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари ва тамойилларини, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, саноат, инфратузилма, инвестиция, монетар ва фискал сиёсат чора-тадбирлари таъсирини таҳлил қилиш асосида белгиланган.

Демографик ривожланишнинг прогноз маълумотларига кўра, мамлакатимиз меҳнат бозорида янги иш ўринларини яратишга бўлган эҳтиёж ортиб боради (3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йилда мамлакатимиз меҳнат бозорида иш билан банд бўлиш эҳтиёжи прогноз бўйича 1 миллион 215 минг 600 та иш ўрнини ташкил этади, шундан 575,8 мингтаси – таълим муассалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун, 622 мингтаси – прогноз даврининг бошида банд бўлмаган ва ишга жойлашишга муҳтож бўлган ишсиз аҳоли учун. Бунда 150 минг ходим табиий равишда чиқиб кетиши (пенсияга чиқиши ва ҳ.к.) муносабати билан бўшатилиши, шунингдек, прогноз даврининг бошида тақдим этилган 73 мингта бўш иш ўрнидан фойдаланилиши кутилмоқда.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

3.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида янги иш ўринларини яратишга бўлган эҳтиёж прогнози, минг киши


Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар		
		2013	2014	2015
1.	Янги иш ўринларига эҳтиёж, жами	1215,6	1222,6	1275,4
1.1.	Меҳнат бозорида илк бор иштирок этадиган шахслар сони	575,8	573,3	613,7
	Шулардан битирувчилар:			
	- академик лицейлар	17,8	13,4	13,1
	- касб-ҳунар коллежлари	493,3	501,1	540,6
	- олий ўқув юртлари	58,3	58,8	60,0
1.2.	Ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳоли сони	622,0	631,6	643,9
	Шундан қайтиб келган меҳнат мигрантлари сони	37,3	36,5	35,8
1.3.	Бошқалар (муддатли ҳарбий хизматдан қайтганлар, жазони ўташдан озод этилганлар)	17,8	17,7	17,8
2.	Иш ўринларига эҳтиёж, жами	1215,6	1222,6	1275,4
	Шу жумладан:			
2.1.	Ходимларнинг табиий ишдан кетиши (пенсияга чиқиш, ўлим ва ҳ.к.) натижасида иш ўринларининг пайдо бўлиши	150,0	161,0	173,0
2.2.	Меҳнат муассаларига иш берувчилар томонидан берилган бўш иш ўринлари сони	73,0	75,0	78,0
2.3.	Янги ташкил қилинадиган иш ўринлари сони	992,6	986,6	1024,4
	Шу жумладан:			
	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидаги иш ўринлари сони	565,9	562,4	583,9

Истиқболда иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ҳам кўпайиши кузатилиб, 2015 йилга келиб 13014,1 минг кишига етади. Шу билан бирга, прогноз қилинаётган даврда ишсизлар сони 626,8 минг кишига ортади. Бироқ ишсизлик даражаси 2013 йилдаги 4,8 фоиздан 2015 йилда 4,7 фоизга тушиб, унинг камайиши кузатилади.

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида асосий вазифалар қуйидагилардан иборат (3.2.4-расм).


1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси, аҳоли фаровонлигини ошириш омили сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.



3.2.4-расм. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги вазифалар.

Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари 3.2.5-расмда келтирилган.



3.2.5-расм. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш йўналишлари.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохатларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш

ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топдириш асосида қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини кескин оширишга қаратилмоқда.

2. Давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ёрдамга муҳтожларга, хусусан, кўп болали, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги “**Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кўчайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги 437-сонли қарорига асосан, вояга етмаган (16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган) оилаларга нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади.

Юртимизда ишламаётган оналарни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги “**Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002 – 2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги 33-сонли қарорининг қабул қилингани бунинг яққол исботидир. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинланади ва тўланади. Бола парваришlash учун нафақа, парваришлайётган болалар сонидан ва нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъи назар, ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида тўланади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтож қатламларидан бири – бу кам таъминланган оилалардир. Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қарорида кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби баён этилган. Унга кўра, кам даромадли оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган. Бундай моддий ёрдам оилага 3 ой муддатга тайинланади ва энг кам иш ҳақининг уша вақтда амалда бўлган 1,5 баробаридан 3 баробаригача бўлган миқдорда белгиланади.

Давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июнда **“Ижтимоий нафақалар тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда оилаларнинг жами даромадлари янада тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш тўғрисида”ги 165-сонли қарори** қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлашнинг манзиллигини ошириш мақсадида қуйидагилар амалга оширилмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тақдимномаларига кўра нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширилмоқда;

- Республика “Маҳалла” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда аҳоли ўртасида эҳтиёжманд оилаларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача эҳтиёжманд оилаларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойликнинг жами

даромод миқдорини ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида кенг тўшунтириш ишларини амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш ва манзилли ёрдамни кучайтиришга қуйидагилар ҳисобидан эришиш режалаштирилган:

- амал қилаётган имтиёзлар ва нафақа тўловлари тизимини тартибга солиш, манзилли характерга эга бўлмаган имтиёзларни, авваламбор, айрим профессионал гуруҳларга тақдим этиладиган имтиёзларни босқичма-босқич камайтириб бориш ва шунинг ҳисобидан кўпроқ эҳтиёж сезаётган оилаларга имтиёзлар ҳажминини ошириш;

- натурал кўринишда бериладиган имтиёзларни тегишли пул тўловлари билан алмаштириш жараёнини тугаллаш;

- норасмий секторда тадбиркорлик фаолиятидан, шунингдек, пул ўтказмалари ҳисобидан даромод олаётган оилаларни аниқлаш усулини такомиллаштириш. Тежаб қолинган маблағлар энг муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун қайта йўналтирилади;

- жойларда муҳтожларга қўшимча ёрдам кўрсатиш, шунингдек, маблағларни ижтимоий ҳимоянинг айрим моддалари ўртасида қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилишда давлат органлари мустақиллигини кенгайтириш;

- ўзини ўзи бошқариш органларида кам таъминланган оилаларга нафақа тўловлари тўлашни ташкил қилиш билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб қилиш, бу кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар ҳажми ва қамровини оширишга имкон беради;

- айрим нафақ тўловлари ва имтиёزلарни тугатиш натижасида бўшаган маблағларни муҳтож оилаларга манзилли нафақа тўловларини молиялаштириш ҳажмини оширишга йўналтириш;
- минимал ижтимоий стандартларни, жумладан, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ҳисоб-китоб қилиш усулини такомиллаштириш;
- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун аҳолининг ижтимоий заиф гуруҳлари, аваламбор, талаб қилинмаган меҳнат салоҳиятига эга, кам таъминланган оилаларни кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлашга йўналтирилган микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш.

3.3. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишда хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Республикада ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам бу масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишиларида бири ҳисобланади.

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ фуқоралар ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш ва ҳар қандай ҳолатларда муҳофаза этиш мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаоляти хавфизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг яшашида ва фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлишини, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланишини, уруш ва терроризм хуружидан ҳимояланишини, табиат ва одамзод уйғунлигининг сақланишини таъминлаш тушинилади. Умуман олганда ҳаёт фаоляти хавфизлиги — бу инсоннинг шу заминдаги турмуши хавфсизлигини таъминлашдир.

Маълумки, Ўзбекистон табиий офатлар (ер силкиниши, ер силжиши, сел, сув тошқини ва ҳоказолар) тез-тез бўлишига мойил ўлка бўлганлиги ҳамда экологик мувозанатнинг бузилиши фуқаролар ҳаётини муҳофаза этиш, табиатни асраш ва турли офатлардан зарар кўрган ҳудудларда кутқариш-тиклаш ишларини олиб бориш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юртимиз минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аврияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш ва тегишли чоралар кўриш зарур. Фақат шундагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий-маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуини, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистонда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига оид ҳуқуқий асослар яратилган. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси” (21 декабрь 1995 йил) ва Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни киради.

Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси”нинг 212-моддасида: “Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ушбу Кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгиланади”⁴⁸, дейилган.

Корхоналарда ҳар бир ходимнинг Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси” ва Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга амал қилиши, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ.

Ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларни излаб

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси”. – Т.: Адолат, 1996, 98 бет.

топиш, меҳнатни самарали ижодий фаолиятга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сўнги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббиёт соҳасига кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар қилинмоқда, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли , умумий хасталиклар ҳамда касб касалликларни ташхизлаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқаришга ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

2010 йили оммавий овқатланиш, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва тайёрловда 1245,8 минг ёки 1990 йилга нисбатан 2,7 баробар кўп киши⁴⁹ фаолият юритишган. Табиийки, уларнинг маълум бир қисми нохуш ва зарарли меҳнат шароитида ишлашган ва ишламоқдалар.. Бу эса ишга вақтинча қобилиятсизликка алоқадор касалликни келтириб чиқаради.

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Бу ишлар билан давлат тузилмасидаги барча бўлимлар шуғулланишади ва бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслиги ҳолати тармоқ назоратини тегишли вазирликларга бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-

⁴⁹ Альманах Ўзбекистон 2011. – Т.:Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011, 21 бет.

профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий химоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус химоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Госэнергонадзор), прокуратура, шунингдек, касаба уюшма органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба уюшмаларнинг ишлаб чиқаришдаги қўмиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат қонунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид бўлган қўриқларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ходисаларни тўғри ҳисобга орлинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизми ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал химоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш ўринларини текшириши мумкин.

Корхоналарда касаба уюшма қошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат қонунчилиги бўйича ишларни касаба уюшмага қарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган корхона ва хоналар унинг ижозати билан фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади.

"Йул ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буг қозонлари, электр станциялари, қишлоқ хужалиги корхоналаридаги кутариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга ҳавфсиз хизмат қурсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин ҳавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда ҳавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти ҳавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Республикада миллий иқтисодиёт тармоқлари объектлари ва аҳоли турар жойларининг ёнғин муҳофазасини мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши

кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғахўрлик қилиб келинади.

Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зич жойлашган жойларда ёнғинни ўчириш ишини ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга қарши кураш бошқармасининг вазифаси — давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхоналари мулкани ҳамда фуқароларнинг шахсий мулкани ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, каттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учкун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, каттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнғин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга — захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чоратадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойиҳалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинадиган ёнғин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнғиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг

носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли концентратсияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
- ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;
- ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;
- технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;
- технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;
- хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

- ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Амалиётда бино ва иншоотларда ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, куқунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади.

Ўт ўчириш моддалари зарарли, кам захарли ва захарсиз турларига бўлинади. Шунинг учун корхона объектлари ва майдонларини ёнғин учирли моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

ХУЛОСА

“Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги диссертацияни ёзибда қуйидаги хулосаларга келинди ва бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар мамлакатимиз олимлари томонидан кам ўрганилган. Натижада унинг кўпгина назарий ва амалий муаммолари ўз ечимини топмасдан қолиб кетмоқда.

2. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида қатор тажрибалар тўпланди. Аммо амалиётда бу имкониятлардан тўлалигича фойдаланила олинмаётганлиги ҳам асосланди. Ишда улардан самарали фойдаланиш юзасидан бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларга:

- рухсат бериш тартибининг қисқартирилганлиги ва соддалаштирилганлиги;
- иш фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш борасида кўплаб меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги;
- кичик тадбиркорлик субъектларига киритишга асос бўладиган умумий мезонлар белгиланганлиги (ходимлар сони, низом жамғармасининг миқдори, активлар миқдори, айланма маблағлар ҳажми, фойда, даромад ва ҳ.к.);
- табиий монополия соҳаларига кичик бизнес вакилларининг кириши учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги;
- юқори ликвидли ва монополь маҳсулотлар сотиб олиш учун тегишли шароитларнинг яратилганлиги;
- бўш турган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак берилиши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарур инфратузилмаларнинг яратилиши;
- монопол маҳсулот ва хизматлар харажатларининг камайтирилиши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи бирлашмалар, Кенгаш ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатаётганлиги, йирик ташкилот ва бирлашмалар, акционерлик жамиятлари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлардан ёрдами аямаслиги каби тартибларни киритиш мумкин.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожлан-тиришдаги ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ролининг катталиги асосланди. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиш жараёни 4 босқичдан иборат эканлиги асосланди.

4. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари тавсия этилди.

5. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар, уларнинг таснифи ва баҳолаш йўллари ишлаб чиқилди.

6. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг объектив зурурлиги ва аҳамияти очиб берилди. Бунда Қарши шаҳри имкониятларини ишга солишнинг йўналишлари асосланди.

7. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилди. Буларга:

- вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшаши ҳамда вилоятнинг республика қишлоқ хўжалигидаги ўрнини инобатга олиб,

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган мини цехлар ташкил этиш;

- бевосита хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ўз маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдо орқали сотиш жараёнини такомиллаштириш учун рационал логистика тизимини жорий қилиш;

- амалдаги солиқларни оптималлаштириш, имтиёзлар белгилаш, хусусан, шаҳар ва қишлоқларнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг табақалаган миқдорларини белгилаш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга имкон яратиш мақсадида уларга узлуксиз электр энергияси ва сув таъминоти масалаларини маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли тарзда ҳал қилишга кўмаклашиш;

- маҳаллий хомашё ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, саноат ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд бўлган туманларда чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари доирасида қўшма корхоналар ташкил этиш;

- республика аҳолисининг 47 фоизини ёшлар ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда улар талаби ва эҳтиёжларига мос келадиган хизмат турларини (компьютер, интернет, фото ва гўзаллик салонларини, сартарош-хона ва бошқаларни) кенгайтиришга ҳукумат даражасида эътибор қаратиш;

- тадбиркорларга қонун йўли билан белгиланган кафолат ва имтиёзларни тушунтириш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш учун жойларда учрашувлар, ўқув семинарлари, малака ошириш курсларини ташкил қилиш кабиларни киритиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., “Ўзбекистон”, 2010 й.
2. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. 2000 йил 25 май.
3. “Хусусий корхоналар тўғрисида” 2009 йил 11 декабрь.
4. “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. 2007 йил 14 декабрь.
5. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир”. Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”. 2010 йил 30 январь.
6. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. // Т.,-2010.
7. И.А.Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий –иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи”. 2011 йил 22 январь.
8. И.А.Каримовнинг “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи”. 2014 йил 19 январь.

Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, турли дастурлар, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

1. “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори. 2005 йил 15 июн.
2. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 20 июн.

3. “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 21 июл.

4. “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 24 май.

5. “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 18 апрель.

6. “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2011 йил 15 май.

7. “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 4 апрель.

8. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 24 август.

1. Китоблар ва туркум нашрлар

1.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами

1.1.1. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Fan”, 2005. – 288 б.

1.1.2. Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. (1-қисм) – “Меҳнат”, 2000. – 352 б.

1.1.3. Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – “Меҳнат”, 1997. – 230 б.

1.1.4. Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). – Самарқанд. СВТИЧТП, 2004.- 38 бет.

1.1.5. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. “Ўқитувчи”, 2009.- 139 б.

1.1.6. Мирзаев Қ.Ж., Мусаев Б. Кичик бизнесни бошқариш. Самарқанд. 2010. – 137 б.

1.1.7. Ходиев Б.Ю. ва б. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 120 б.

1.1.8. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002.-365 б.

1.1.9. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т: “Ўқитувчи”, 2009. - 239 б.

1.1.10. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Рисола. – Т.: “Молия”, 2011.- 32 б.

1.1.11. Султонов Ш.А. Истиқлол ва тадбиркорлик. Рисола. – Т.: “Молия”, 2011.- 24 б.

1.1.12. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: худудий муаммолари ва ечимлари. Моногирафия. – Т.: “Навруз”, 2013.

1.2. Кўп томлик китоблар

1.2.1. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, I қисм – Т.: “Фан ва технология”. 2007. – 387 б.

1.2.2. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, II қисм – Т.: “Фан ва технология”. 2010. – 217 б.

1.2.3. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисоий таҳлил. 2-томлик. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2001.- 1-қисм 176 б., 2-қисм - 256 б.

1.2.4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: “Русский язык”, 1981, 1 том. -526 б.

Интернет ва статистика маълумотлари

1. <http://www.stat.uz>
2. <http://www.ecsocmen.edu.uz>
3. <http://www.worldbank.org>.
4. <http://www.region.uz>
5. <http://www.lex.uz>
6. <http://www.Darvoza.uz>.
7. <http://www.Review.uz>.
8. <http://www.Trade sivilization in USA>